

Меҳнат —
роҳатнинг
пойдевори

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqqan boshlagan 2010-yil 2-iyun, chorshanba № 43 (8276) ISSN 2010-6416


Kuch — bilim va tafakkurda

ХУШ ҚОЛ АНДИЖОН, САЛОМ БУХОРО!



«Универсиада-2010» спорт мусобақалари очилиш тадбирида талабалар юзидаги кувончга шерик ҳолда катта синов олдидан зоҳир бўлган ўйчанлик, ҳаяжон ўрнини тадбирнинг тантанали ёпилишида янада кўтаринки кайфият, шодонлик ҳамда чуқур мамнуният эгаллади — Бирдамлик, Дўстлик, Ёшлик, Гузаллик голиб келди.

(«Универсиада-2010» мусобақалари тафсилотлари билан газетамизнинг 14-15-бетларида танишасиз.)



БИЛИМ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Olimpiada—2010

Кувонч ва ҳаяжоннинг чеки йўқ, қутлов ва тилаклар ҳам самимий. Кутилган натижага эришган кишида бу ҳолат, айниқса, табиий кўзга ташланади. Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейи мажлислар залида байрамона рух ҳукмрон.

Академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 27—28 май кунлари бўлиб ўтган умумтаълим фанлари олимпиадаси сўнги босқич натижалари эълон қилинди.

(Давоми 3-бетда.)



ДИҚҚАТ, ОБУНА!

«Ma'rifat» газетасига 2010 йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Азиз муштарийлар!

«Ma'rifat» саҳифалари орқали таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижалари, тизимда олиб борилаётган кенг кўламли янгиланишлар, ўқитувчилар фаолиятини бевосита таълим-тарбия самардорлигини янада оширишга йўналтириш мақсадида ишлаб чиқиляётган янги меъёрий-ҳуқуқий, методик ҳамда тавсиявий хусусиятга эга бўлган муҳим ҳужжатлар билан тезкор равишда хабардор бўлишни истасангиз, ушбу нашрга жорий йилнинг 2-ярми учун обуна бўлинг. Обунани «Матбуот тарқатувчи» ҳамда «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияларининг жойлардаги бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Ma'rifat

Нашр кўрсаткичи:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун — 150.



ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

БИТИРУВЧИ

АНИҚ ИШ УРНИГА ЭГА

5-бет

ЁЗГИ ТАЪТИЛ

қандай ташкил
этилади?

6-бет

**«БОШҚАЛАРНИ
ЎҚИТИБ,
ЎЗИМИЗ ХАМ
УРГАНАМИЗ»**

7-бет

**«МУЗҚАЙМОҚ
БУПУТИ»**

ёки нанотехнологиялар
озиқ-овқат саноатида

12-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ҳазо минтақасига бораётган кемаларнинг халқаро гуманитар конвойига Исроил ҳарбий-денгиз кучларининг ҳужуми Ўзбекистонда чуқур ташвиш ва хавотир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон томони инсонлар қурбон бўлишига олиб келган ушбу фожиали ҳодисани қоралаб, Исроил томонидан Ҳазо минтақаси қамалини бекор қилиш масаласи тезда ҳал этилишига умид билдиради ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг тегишли резолюцияларини тўлалигича бажаришга чақиради.

Ўзбекистон қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан айтиш қийин бўлган кескинлик кучайишининг ва зўравонлик ёйилиб кетишининг олдини олиш зарур, деб ҳисоблайди.

ОРОМГОҲЛАР БОЛАЛАРНИ КУТМОҚДА

Бу йилги ёз мавсумида Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган 20 оромгоҳда 6 минг 122 ўғил-қиз мароқли дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди.

Оролбўйида ўқувчиларнинг ёзги дам олишини юқори савияда ташкил этиш мақсадида мавжуд оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Эллиққалъа туманидаги "Орол болалари", Тўрткўл туманидаги "Лочин", Нукус шаҳридаги "Ёш авлод", "Орол", Тахтиаташ шаҳридаги "Ойдин йўл", Нукус туманидаги "Гулбоғ", Тахтақўпир туманидаги "Атарал", Қўнғирот туманидаги "Жайхун", Қанликўл туманидаги "Шунқор" соғломлаштириш масканлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Нукус шаҳри, Тўрткўл, Беруний, Амударё, Эллиққалъа, Кегейли, Мўйноқ, Хўжайли, Чимбой, Қораўзақ ва Шуманай туманларидаги 11 мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳларда ҳам 2 минг 532 болажон таътилини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Тўрткўл туманидаги "Лочин" оромгоҳида ёз мавсумида 580 ўғил-қиз дам олиши мўлжалланмоқда. Қарийб тўрт гектар майдонни эгаллаган сўлим оромгоҳда мавсум олдиндан тайёргарлик ишлари изчил олиб борилди.

— Болаларнинг кўнглини ҳордиқ чиқариши учун қатор маданий-маърифий, кўнгило-

чар тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиш режалаштирилган, — дейди «Лочин» оромгоҳи директори Шокир Каримов. — Болалар билан билим савияси юқори, кўп йиллик тажрибага эга, ташаббускор 15 нафар тарбиячи-педагог ишлайди. Оромгоҳимизда компьютер хонаси ва бой китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази фаолият йўлга қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Ҳасан Ермағамбетовнинг айтишича, болалар оромгоҳларини узлуксиз электр энергияси ва замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, озиқ-овқат таъминоти, хавфсизлик масалалари юзасидан белгиланган тадбирлар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йилги анъанага кўра, Оролбўйидан 2 минг нафар бола пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги оромгоҳларда дам олиб қайтади. Уларнинг асосий қисмини кам таъминланган оилалар фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ташкил этади.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

1-iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

Ҳар бир инсон ҳаётининг мазмунини фарзандлари камолида билади. Болам деб уй қуради, навниҳоллар қадайд. Улар эса юртининг келажиги, элнинг фахри-ғурури бўлиб улғайишади. Бугун истиқлол фарзандларининг қувончга тўла кулгилари бахт кўнғироғи бўлиб жаранг сочаётгандек. Бу қадрият мамлакатимизда олиб борилаётган ҳар бир янгилик, ўзгариш ва ислохотларда ўз аксини топиб келаётганлиги кишини қувонтиради. Бунда, айниқса, имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳамиятлидир.

БОЛА КУЛГИСИДАН МУНАВВАР ОЛАМ

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан мамлакатимизда кенг тарзда ўтказилган тадбирлар кишида беихтиёр ана шундай фикрлар уйғотади. Халқ таълими вазирлиги тизимида мазкур байрамни юқори савияда нишонлаш бўйича махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, "Сен ёлғиз эмасан" Республика болалар жамоатчилиги жамғармаси, "Камолот" ЁИХ, "Соғлом авлод учун" жамғармаси билан ҳамкорликда "Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор" шиори остида ҳафталиклар ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизнинг Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам болажонларнинг катта шодийнасига айланди. Эстрада хонандаларининг чиқишлари, ўқувчилар ижодиёт марказлари аъзоларининг рақс ва кўшиқлари тадбирга кўтаринкилик бағишлаган бўлса, иштирокчи ўқувчилар иштирокидаги кўрик-танлов ва савол-жавоб викториналари болаларга олам-олам таассурот улашди.

Сўлим боғнинг турли ҳудудларида ташкилотчилар томонидан ўзига хос "Бекатлар" ташкил этилган бўлиб, "Тинчлик бўлсин оламда!" шиори остида асфальтга расм

чизиш танловида 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Маҳмуда Казакова, Собир Раҳимов туман мактаб ўқувчилари — Даврон Ёқубов ва Баҳром Холматов меҳр билан ўз ижодий ишларини якунига етказаяпти. Яна бир тарафда "Биз соғлом авлодлармиз" спорт мусобақалари, Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг кўргазмали чиқишлари, Бола ҳуқуқларига доир билимларни мустаҳкамловчи "Мастер класс"лар ва "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими викториналари қизгин давом этмоқда.

— Ўғлим Шукрулло церебрал фалажи хасталиги билан туғилган. Ҳозир 11 ёшга тўлди. Бугунги тадбирда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси томонидан ногиронлар аравачаси топширилди. Давлатимизнинг бу ғамхўрлиги бир умр ёдимдан чиқмайди. Умуман, мамлакатимизда болаларга эътибор жуда юқори, ногирон бўлса-да, шу фарзандим ҳам ҳамма қатори таълим олади. Ўқитувчиси Фотима Худоевора уйимизга келиб, боламга жуда пухта, бола тилини топиб дарс беради. Шифокорлар ҳам мунтазам равишда ўғлимнинг соғлиғидан хабар олиб туришади, — дейди Озода Бобомухаммедова.

Тадбирда Халқ таълими вазир ўринбосари Абдуғани Холбеков иштирок этиб, болажонларни байрам билан табриклади. Байрам дастури доирасида ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, кам таъминланган оила фарзандларига ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар, истироҳат боғи аттракционларига бепул чипталар тақдим қилинди.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
«Ma'rifat»
мухбири
Владимир ГРАНКИН
олган суратлар



ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР

Мактабларда ўқув йили туғаш билан битирувчи синф ўқувчилари якуний давлат аттестациясидан ўтади. Барча жойда бўлгани каби, Жиззах шаҳридаги 18-мактаб биносига киришингиз билан бу масъулиятли жараёнга пухта ҳозирлик кўрилганининг гувоҳи бўласиз. Мактаб залларида имтиҳонларни намунали ва уюшқоқлик билан ўтказишга қаратилган режа ва дастурлар, шиорлар кўзга ташланади.

9-синф ўқувчиларининг она тили ва адабиёт фанидан ёзма иш топшираётган хонаси озода, тинч ва осуда. Имтиҳон олувчи комиссия аъзолари иштирокида ўқувчилар конвертлардан бирини танлашди. Конверт очилгач, мавзу эълон қилинди. Доскага «Меҳнатсеварлик» мавзуси ёзиб қўйилди. Комиссия аъзолари ўқувчиларга имтиҳонни ўтказиш тартиб-қоидалари бўйича қисқача тушунтириш берди.

— Бу йил мактабимизни учта 9-синф ўқувчилари бити-

ради, — дейди мактаб директори Дилдора Уролова. — Таълим муассасасида таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Рус синфида ўқувчилар «Традиции и обычаи узбекского народа» мавзусида ижодий баён ёзмақда. Синовлар Халқ таълими вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида 2009-2010 ўқув йилини якунлаш, ўқувчилар билими, малака ва кўникмаларини босқичли назорат имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисида»-ги буйруғи асосида ўтказилмоқда. Таълим масканининг давлат дастури асосида капитал таъмирланиши моддий-техник базанинг мустаҳкамланишига замин яратди. Турли кўргазмалари

қуроллар, техник восита ва жиҳозлар таълим самарадорлигини оширишга ҳисса қўшмоқда. Бундай ҳолатни она тили ва адабиёт дарсларида

Yakuniy attestatsiya

ҳам учратиш мумкин. Кузатишлар ўқувчиларнинг ушбу фанлардан олган билим самарадорлиги ўтган йилга нисбатан анча юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Яна имтиҳон бўлаётган синфхонасига қайтамиз. Кимдир хомаки нусхаларни кўчириш, кимдир асл нусхани ёзиш билан банд. Ниҳоят, ижодий баённи ёзиб тугатган ўқувчилар ўз ишларини топшира бошладилар.

— «Меҳнатсеварлик» мен

севган мавзулардан бири, — дейди 9-«В»-синф ўқувчиси Ситора Турובה. — Ўқув йили давомида ва имтиҳонларга тайёргарлик кўриш жараёнида ана шу мавзу атрофида синфдан ташқари кўшимча адабиётларни кўп ўқиганлигим менга қўл келди. Шунинг учун ҳам ёзма ишни бажаришда унча қийналмадим. Натижалар яхши бўлишига ишончим комил.

Ёзма ишларни текшираётган ва таҳлил қилаётган комиссия аъзолари билан суҳбатлашдик.

— Мен бу синфларга она тили ва адабиётдан дарс бераман, — дейди ўқитувчи Зубайда Шерғозиева. — Шогирдаримнинг ўқув йили давомида бу фанни севиб ўқиганлиги, кўшимча адабиётлардан

унумли фойдаланганликлари ёзган ишларидан кўриниб турибди. Ижодий баён ёзиш жараёнида мустақил фикрлаш, мавзу атрофида кенг ва батафсил мушоҳада юритиш, меҳнат ҳақида буюк алломаларнинг фикр-мулоҳазалари, халқ мақолларидан унумли фойдаланганликлари кишини қувонтиради. Бу ўғил-қизларда кенг дунёқараш, мустақил фикрлаш кўникмаси шаклланиб бораётганлигидан дарак беради. Буни айтмоқчи бўлган фикрини эркин баён этиш, гаплар тузишда жонлантириш, ўхшатиш, муволафа, қиёслаш усулларидан ўринли фойдаланганликларидан кўриш мумкин.

Ҳаяжонли ва қувончли лаҳзалар ортда қолди. Ўқувчилар, албатта, ёзма иш натижаларини орзиқиб кутиши тайин. Олдинда эса навбатдаги синовлар турибди. Битирувчи синф ўқувчиларининг қиш, изланиш ва мутолааси давом этади.

А.СОДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Хар иккала — ёзма ва оғзаки синовлардан юқори натижага эришиб, голиблик шоҳсупасига кўтарилган ўқувчилар муносиб тақдирланмоқда. Анъанага кўра, Ўзбекистон мадҳияси янграйди. «Олимпиада кундалиги» видеолархаси намойиш этилди.

— Йилдан-йилга бу нуфузли мусобақанинг қамрови, таъсир кучи ва аҳамияти кенгайиб бораётгани иштирокчилар сонининг ошиб бораётганидан ҳам сезилмоқда. 600 нафардан зиёд ўғил-қизларимиз орасидан 60 кишининг голиб деб топилиши ва имтиёзли

эканман, шу фандан бизга сабоқ бераётган устоз Малика Саидовадан фаннинг мен учун номаълум жиҳатларини ўргандим. У мен билан кўпроқ шуғулланишга вақт ажратди, имконият ахтарди. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 89,56 балл тўплаб, орзуимга эришдим.

Иккинчи ўрин совриндорлари — турли ҳудудлардаги академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, ихтисослашган мактаб ўқувчиларидан 20 нафари турнақатор тизилиб, барчанинг олқишига сазовор бўлди. Уларнинг барчасига иккинчи даражали диплом тақ-

Olimpiada—2010

ланган кишига омад кулиб боқишига амин бўлдим. Мамлакатимизда ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар туфайли улар олимпиада, кўрик-танловлар ва фестивалларда ўз билим ва маҳоратларини намойиш этишмоқда. Мана, кўплаб тенгқурларим қатори тарих фани бўйича ўз билим ва



БИЛИМ — ЕНГИЛМАС КУЧ



равишда муддатидан олдин ўз фан йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига талабалikka қабул қилиниши улар таълим олаётган даргоҳлар обрў-эътиборини янада оширади — дейди, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Дониёров.

Олимпиада ташкилий кўмитаси раиси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори Шавкат Жавлонов мамлакатимизда ёшларга кўрсатилган эътибор ва уларга билдирилаётган ишонч ҳар йили энг катта доирада бўлиб ўтадиган умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадасида кўпроқ намойн бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг, даврага учинчи ўрин соҳиблари тақлиф қилинди. Уларга олимпиада ташкилотчиларининг учинчи даражали дипломлари тантанали суръатда топширилди.

Бахтиёр Жамолiddинов, география фани бўйича 3-ўрин совриндори:

— Тошкент шаҳридаги банк коллежида ўқийман. География фани мени ўзига оҳанрабодек тортади. Мактабда ўқиганларимни коллежда мустаҳкамлар

дим этилганидан сўнг, голиблардан бири — Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожизлар махсус мактаб-интернати ўқувчиси **Гулмира Жўраева** ўз ҳаяжонларини бизга шундай ифодалади:

— Юртимизда ҳеч бир бола эътиборсиз қолмайди. Бугун мен ҳам ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган имконият ва билдирилаётган ишончдан куч олиб, ўз билимимни сўнгги босқичда синаб кўришга муваффақ бўлдим. Тенгқурларим билан дўстлашдим, бир-биримиздан ўргандик. Она тили ва адабиёти фанидан махсус мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган синов натижаларида энг юқори балл тўплаб, голиб бўлганимдан хурсандман. Келажакда Бухоро давлат университети ўзбек филологияси факультетида ўқимоқчиман.

Нихоят, тадбир иштирокчиларининг олқишлари остида биринчи ўринни эгаллаган энг иқтидорли ва энг истеъдодли ўқувчилардан бир гуруҳи саҳнага тақлиф қилинди. Биринчи даражали диплом билан тақдирланганлар орасида **Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей битирувчиси Фирдавс Тоштемиров** ҳам бор:

— Ўқиган, интилган, из-

иқтидоримни намойиш этиб, энг юқори натижа — 93,49 балл тўплалдим ва муддатидан олдин талабалик бахтига мушарраф бўлдим.

Дарҳақиқат, фан олимпиадалари чинакам рақобат майдони. Бунда **БИЛИМ** голиб. Уни эгаллаш учун эса доимий изланиш зарур. Бу олимпиада натижаларининг қисқа таҳлилида ҳам кўринади. Олимпиада жараёнида жами 6та ўрин,

яъни информатика фанидан 2та, рус тили фанидан (таълим рус тилида) 1та, кимё фанидан 1та, математика фанидан (махсус таълим) 2та ўрин ўқувчилар томонидан етарли балл тўпланмаганлиги сабабли бўш қолди. Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти 9та совринли ўрин билан 1-ўринни, Бухоро ва Наманган вилоятлари 7та совринли ўрин билан 2-ўринни, Қашқадарё вилояти 6та фахрли ўрин билан 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

2009 йилдаги таҳлилларга кўра, Бухоро вилоятининг 39 нафар ўқувчисидан 10 нафари голибликни эгаллаб, умумжамоа ҳисобида энг катта натижани қўлга киритишган. Пойтахт — Тошкент шаҳри жамоаси 8 нафар голиб ўқувчиси билан иккинчи ўринни ишғол этган бўлса, қашқадарёликлар 5 нафар ўқувчи билан фахрли учинчи ўринни эгаллашганди. Ўз ўрнида қайд этиш жоизки, Сирдарё ва Хоразм вилоятларидан ушбу фан олимпиадаларида бу йил энг кам иштирокчи қатнашди. Бу ҳам қайсидир маънода хулосага чорловчи ҳолат.

Ўқувчи мактабга қатнай бошлаган илк дамларданок ёки кейинчалик муайян фанга қизиқади, ўз устида ишлаб, синф сардорига айланади. Табиийки, ана шу фанга мойиллиги яққол сезилаётган болани ўқитувчи «кўз остига» олади, унга эътибор қаратади, шуғулланади, йўл-йўриқ кўрсатади. Бунинг натижаси ўлароқ, ўзини қуйи синфдан «пешитиб» келган ўқувчи аввал мактаб, сўнгра туман, қолаверса, вилоят доирасидаги фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллай бошлайди. Ўз келажиги учун ўқувчилик даври-

даноқ мустаҳкам тамал тошини қўяётган бундай ўқувчилар учун республика фан олимпиадалари катта имкониятдир. Умумтаълим фанлари ичида биология, она тили ва адабиёти, инглиз тили, математика, иқтисодий билим асослари фанлари бўйича бу йилги олимпиадада 41—39 нафардан ўқувчи иштирок этган бўлса, ўтган йили биология (39), математика, тарих, инглиз тили (34), она тили ва адабиёти (30), ҳуқуқ (25) фанларидан иштирокчилар кўпроқ бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга кенг жамоатчилик — таълим даргоҳлари, устоз-мураббийлар, ота-оналар, ташкилий кўмита ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари барча босқичларда ўз ҳиссаларини қўшдилар. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, қандай ҳолат бўлишидан қатъи назар, эгаллаган билими, малакаси ва кўникмаси ўқувчининг ўзи билан, келажакда у ана шу билим захираси билан олий таълим муассасаларига қабул қилинади. Ва шунда улар тўплаган баллари бўйича яна бир бор мониторинг қилинади. Энг муҳими, олимпиада улар ҳаётида унутилмас сана ва синов бўлиб қолишига заррача шубҳа йўқ.

Хулкар Тўйманова,
«Ma'rifat»
мухбири

Суратларда:
голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар.
Владимир ГРАНКИН
олган суратлар.



1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Жиззах шаҳрининг барча кўча ва хиёбонлари байрамона тус олди.

Шаҳардаги истироҳат боғлари кичкинтойлар билан тўлиб-тошди. Тадбирнинг асосий қисми «Истиқлол» болалар боғида бўлиб ўтди. Шу куни бу ерга меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари таклиф этилди. Эрта тонгдан боғда вилоят ўқувчилар саройининг бадий ҳаваскорлари томонидан концерт дастурлари намойиш этилди. Кичкинтойларнинг шўх куй ва кўшиқлари, рақслари ҳамда эртак қаҳрамонлари қиёфасидаги сахна кўринишлари йиғилганларга бир олам қувонч ҳада этди. Шу куни боғдаги барча аттракцион уйинлар кичкинтойларга бепул хизмат кўрсатди.

Байрам муносабати билан бир ҳафтага мўлжалланган байрам тадбирлари вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилиб, болаларга ҳомийлар томонидан совғалар улашилмоқда.

Зомин туманидаги 34-мактабнинг уйда таълим олувчи ўқувчиси А.Баратовга вилоят йўлдан фойдаланиш бошқармаси томонидан шахсий компьютер совға қилинди. Таълим ва фан ходимлари туман касабга уюшма кўмитаси ҳам бир қатор мактабларга турли совғалар, ўқув қуролилари ҳада этди. Қисқа қилиб айтганда, байрамда кичкинтойларнинг кўзларида порлаган қувонч ва шодликдан олам мунаввар бўлди.

А.СОДИҚОВ

Сурхандарё вилояти.

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлими, туман ўқувчилар ижодиёт маркази, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи, "Камолот" ЁИХ туман бўлими билан ҳамкорликда 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, "Ҳар бир фарзандга меҳр-этибор" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирни уюштирди.

Ушбу тадбирда тумандаги меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар ҳамда кам таъминланган оила фарзандларини қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш мақсади кўзда тутилган. Жумладан, тадбир доирасида болаларнинг жисмонан соғлом бўлишларини таъминлаш учун стол тенниси, кувнок, стартлар эстафеталари ўтказилди. Шунингдек, амалий санъат кўргазмаси ҳам ташкиллаштирилди ва унда ўқувчилар ижодиёт марказининг "Тенгдош", "Ифор", "Истеъдод" бадий жамоалари ўз амалий санъат намуналари билан қатнашди. Бу эса ёшларимиз, айниқса, алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларга ўз иқтидорларини юзага чиқариш ва шакллантиришлари учун катта имконият яратди.

Тадбир сўнгида Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи томонидан болаларнинг ёз мавсумида марокли дам олишларини таъминлаш учун 2500га яқин чипта бепул тарқатилди.

Ш.АСРАНОВА

"Биоэкокан" ўқув-услубий мажмуасида халқаро биохил ма-хилликни асрашга бағишланган «Қушлар ва гуллар» Республика ёшларининг экологик байрами бўлиб ўтди. Тадбирда республикамизнинг барча вилоятларидан голиб жамоалар қатнашди.

— Мактабимизда экология тўғрисида фаолият кўрсатаётганига анча йиллар бўлди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 17-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Ҳақиқат Ҳамроева. — Ўқувчилар дарсдан бўш вақтда тувақларда гуллар ўстиради.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи-ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, уларда она табиатимизни севиш, жоннажон ўлкамизнинг гўзаллигини ҳис қилиш, табиатга нисбатан эҳтиёткорлик туйғуларини шакллантириш, шунингдек, дарс машғулотида экологик таълим-тарбия беришининг янгидан янги услубларини омдалаштиришдан иборатдир.

Тадбир икки йўналишда олиб борилиб, Қушлар байрамида ўқувчилар «Энг яхши расм ва қўлда ясалган қуш», «Қушлар ҳақида энг яхши ҳикоя, шеър, эртак», «Экоэрудит танлови»да ўз истеъдодларини намойиш этишган бўлса, Гуллар байрамида «Ўз гулини парвариш» лойиҳаси, «Гулнинг дўсти» викторинаси бўйича голиблар аниқланди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар ҳомий ташкилотлар ҳамда «Биоэкокан» ўқув-услубий мажмуасининг совға ва дипломлари билан тақдирланди.

Шавкат КЕНЖАЕВ,
олий тоифали биология фани ўқитувчиси

"Зарафшон" концерт залида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасига қарашли ўқувчилар ижодиёт марказининг тадбири бўлиб ўтди.

"Баркамол авлод йили" давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбирда марказнинг "Севинч" вокал ва "Юлдузча" хореография ансамблларида таҳсил олаётган ўғил-қизлар иқтидорларини намойиш этди.

Бугунда Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази тўғрисида 2118 нафар ўғил-қиз турли касб-хунар сирларини ўрганиб келишапти. Бу ерда халқ амалий ва тасвирий санъати, бадий нафосат, доирачи ва дуторчилар гуруҳи, рақс дастаси, бисер тикиш, чеварчилик, спорт машғулоти ҳамда хорижий тилларни ўргатувчи тўғрак ва гуруҳлар фаолият юритмоқда.

Тадбир давомида ансамбллари кичик, ўрта ва катта гуруҳ ўқувчилари ўзбек халқ рақсларини маҳорат билан ижро этишди.

— Ҳар йили халқаро болалар куни муносабати билан Тошкент шаҳри ўқувчилар ижодиёт марказининг тўғрак ва турли машғулоти ўзларининг ҳисобот концертини ўтказиб келишади, — дейди "Севинч" вокал ансамблининг бадий раҳбари Саодат Музаффарова. — Марказда ўқувчилар мактаб фанлари ва чет тилларини мукаммал ўзлаштириш билан бирга турли касб ва хунар сирларини пухта ўрганишади. Марказга ўқувчилар имтиҳон ва тест сновларидан сўнг қабул қилинади.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс"

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан пойтахтимиздаги "Ҳайвонот боғи"да болажонлар учун акция ташкил этилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир пойтахтда истиқомат қилаётган кам таъминланган оила фарзандлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг яхши дам олишларини таъминлашга қаратилди.

Болажонлар боғни айланиб, ҳайвонот олами, балиқлар, қушларни томоша қилди. Шу-

нингдек, улар "Тропик ўсимликлар" бурчагида бўлиб, боғнинг мутахассис-ходимларидан атрофлича маълумот олди.

Саёҳат давомида болажонлар боғнинг барча аттракционларидан бепул фойдаланишди.

Тадбир давомида кўнгли ўксик болажонларга бир оз бўлса-да, меҳр-муҳаббат улашиш, уларнинг билим ва кўникмаларини шакллантиришга асосий эътибор қаратилди.

Гулноза АБДУНАЗАРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Самарқанд вилоятида ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ҳаваскор фольклор дасталари ўртасида ташкил этилган "Барҳаёт аънаналар" фольклор фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Миллий урф-одат ва аънаналаримизни сақлаш, уларнинг бардавонлигини таъминлаш, ёшларни халқимизнинг бой маданий меросига ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда минтақавий босқичларда голибликни қўлга киритган 14 жамоа иштирок этди.

Фольклор дасталари ўз худудларида авлоддан авлодга ўтиб келаётган урф-одат ва қадриятларни тараннум этувчи халқ оғзаки ижодидан бадий чиқишлар намойиш этди.

— 2006 йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган фестивалнинг вилоят босқичида Булунгур қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг "Истиқлол", Пастдаргом тиббиёт коллежининг "Қалдирғоч", Самарқанд педагогика коллежининг "Оқтов" жамоалари голиб бўлганди, — дейди вилоят Ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Салоҳиддин Санақулов. — Бу жамоалар Республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, олий ўрин — Гран-прини қўлга киритган. Шунингдек, 2007 йили ўтказилган "Барҳаёт аънаналар" фестивалининг вилоят ва республика босқичида голиб бўлган Пастдаргом тиббиёт коллежининг "Қалдирғоч" жамоаси Францияда ЮНЕСКО қароргоҳида ўз концерт дастурини намойиш этиб келди.

"Барҳаёт аънаналар-2010" фольклор фестивали вилоят босқичининг олий ўрин — Гран-приси Булунгур маиший хизмат коллежи қошидаги фольклор жамоасига насиб этди. Оқдарё, Пастдаргом, Булунгур педагогика коллежлари ва Каттақўрғон тиббиёт коллежи ўқувчилари эса фахрли ўринларни эгаллашди.

Ҳ.ЖўРАЕВ

Самарқанд вилояти.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Қизилтепа туманидаги 12-мактабда Навоий давлат педагогика институти ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Юксак маънавий — энгилмас куч» асарининг баркамол авлод шакллантиришдаги ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда институтнинг профессор-ўқитувчилари, туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари, маҳалла фаоллари иштирок этиб, "Юксак маънавий — энгилмас куч" асарининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни, бу борада таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришиш, узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизациялаш, таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича қизгин мулоқотлар олиб борилди.

Фан, маданият, спорт, адабиёт ва бошқа турли йўналишларда ўз иқтидори ва салоҳияти билан жаҳонга танилган истеъдодли ёшларимиз ютуқлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш баробарида чет эл кийиниш маданиятига, урф-одатларига кўр-кўрона тақлид қилаётган, миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган суратлар- у кинофильмларга берилиб кетаётган ёшларимиз ҳаётига ҳам алоҳида ургу берилди. Уларни тўғри йўлга бошлашда мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорликда фаолият кўрсатиши масалалари хусусида фикр-мулоҳазалар юритилди.

Раъно РАБИМОВА

Навоий вилояти.

Маълумки, аксарият ҳолларда асаб тизимидаги ўзгаришлар, ошқозон-ичак, эндокрин хасталиклар ва бошқа турли хил юқумли касалликларни келтириб чиқаради. Замонавий тиббиёт ушбу муаммоларга дучор бўлган ҳар бир беморга малакали ёрдам кўрсата олади.

Андижон давлат тиббиёт институтида «Дерматовенерология ва косметологиянинг долзарб муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, республика Ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур конференцияда республикамиздаги мавжуд тиббиёт институтларининг дерматология ва венерология кафедралари мудирилари, соғлиқни сақлаш тизимидаги тери-таносил касалликлари диспансерлари бош шифокорлари, профессор олимлар ва россиялик мутахассислар иштирок этди.

Конференцияда «Ўзбекистон Республикасида дерматовенерология хизмати ва унинг истиқболлари», «Дерматологияда лазер технологиясининг имкониятлари», «Болалар дерматовенерологиясининг муаммолари», «Дерматокосметологиянинг ҳозирги аҳволи ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги долзарб масалалар муҳокама-сига бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбирда, шунингдек, жаҳоннинг дори воситалари ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялари вакиллари ҳам иштирок этди. Ташкил этилган кўргазмалардан тери-таносил касалликларини даволаш ва унинг профилактика-сига оид манбалар, дори воситалари, буклетлар жой олди.

Анжуман ушбу соҳа ёш олимларининг режалаштирилган йиғилиши билан ниҳоясига етди.

О.СИДДИҚОВ

Андижон вилояти.



Бугунги кунда таълим сифатини ошириш орқали ўқувчиларнинг мустақил ижодий тафаккурини ўстиришда инновацион технологиялардан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу эса, мазкур жараённинг режалаштирувчиси, амалга оширувчиси ва бошқарувчиси бўлган ўқитувчининг касбий маҳорати, савияси ва касбий тайёргарлигини шакллантириш масаласига чуқурроқ ёндашувни талаб этади.

Ана шундай масъулиятли ва машаққатли вазифани бажаришга ҳисса қўшиб келаётган олиқ таълим муассасаларидан бири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университидир. Айти кунда мазкур даргоҳда 12 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олмақда. 16 нафар докторант, 101 нафар аспирант ва 236 нафар тадқиқотчи илмий изланишлар олиб бораёпти. Университетда 4та ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатиб, профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 23та амалий, инновацион ва фундаментал грантлар бўйича ишлар олиб борилаётир. Ўқув юртимиз иқтидорли талабаларининг 5 нафари Давлат стипендияси соҳибларидир. Иқтидорли ёшларимизнинг Республика талабалар олимпиадаларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келаётгани қувонарли, албатта.

Сўнгги беш йил давомида университет олимлари томонидан 150га яқин дарслик, 400дан ортиқ ўқув, 380га яқин ўқув-услубий қўлланмалар нашр этилган. Шунингдек, таълим муассасаси олимларининг бошқа ўқув юртлари етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда таълим тизимининг барча босқичлари учун 120дан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилган.


Таълим тизимидаги ислохотлар самарасида университетимизда «Устоз — шогирд» тизими асосида биринчи курслигиданоқ устозга бириктирилган талаба иккинчи курсда ўз қизиқишлари асосида битирув малакавий ишини танлаш имкониятига эга бўлади. Жорий ўқув йилида ўқув, ишлаб чиқариш ва малакавий педагогик амалиётларнинг самардорлигини янада ошириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ва инновацион таъминотни замон талаблари даражасига кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бакалавр йўналишлари бўйича педагогларни тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган малакавий педагогик амалиёт таълим-тарбия жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини муваффақиятли қўллаётган, бу борада етарли даражада иш тажрибаларига эга мактабгача, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўтказилмоқда.

84дан ортиқ таълим муассасаларида малакавий амали-

ёш педагогларга эҳтиёж сезаётганига гувоҳимиз. Университетимизда бир неча йиллардан бери битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштиришни таъминлаш бўйича мониторинг олиб борилиб, уларнинг уч йиллик меҳнат фаолиятини кузатиб бориш каби чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Oliy ta'lim

Битирувчиларимизнинг меҳнат фаолияти ҳар йили таълим муассасалари бошқармаларига хизмат сафари билан борган раҳбар ходимлар, профессор-ўқитувчилар томонидан ўрганилади. Уларга мас-



БИТИРУВЧИ АНИҚ ИШ ЎРНИГА ЭГА



ганларига бириктирилган устозлари билан биргаликда ўтказилган очик дарслар, тажриба-синов ва кузатувлар орқали амин бўлди. Талабаларнинг фаоллиги дарс ўтишдаги талабга эътибор беришлари, мақсадга эришишда самарали педагогик технологиялардан фойдаланиш, нуқсонли болалар билан мулоқотга кириша олиш, дўстона муносабатни ўрнатиш кабиларда намоён бўлди.

лаҳатлар, қандай методик ёрдам зарур бўлса www.pedagog.uz ёки www.tdpu.uz порталига киришлари, бевосита университетга келиб мурожаат қилиб, кўрсатма олишлари мумкинлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилган.

2009-2010 ўқув йилида ҳам доимгидек битирувчиларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича доимий яшаш жойи, таълим йўналиши ва мутахассислиги тўғрисида маълумотлар банки тайёрланди, ушбу маълумотлар www.tdpu.uz порталига киритилиб, буюртмачи таълим муассасаларига ҳавола этилди.

Мунтазам равишда республикадаги истеъмолчи таълим муассасаларининг талаб ва таклифлари ўрганилиб, 2009—2012 йилларгача вилоят ва шаҳар, туманлари таълим муассасаларининг кадрларга бўлган эҳтиёжи аниқланиб, шу бўйича истиқболли «Буюртмалар портфели» яратилди.

2010 йилнинг 1-чорагида республикадаги ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармаларининг 2010—2014 йиллар учун ёш мутахассисларга бўлган эҳтиёжи ўрганилди. Доимий равишда таълим муассасалари бошқармалари билан хатлар, телефон, интернет орқали боғланиб ёки вакиллар жўнатиб, алоқа ўрнатиб турилади.

2010 йил битирувчиларига ишга тақсимланиш жараёни, уларнинг бурч ва имкониятлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилиб, декабрь ойида ҳар бир факультетда учрашувлар ташкил этилди. Уларда «Кадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Низом»да кўрсатилган вазифалар айтиб ўтилиб, таълим муассасалари бошқармаларидан келиб тушган буюртмалар билан таништирилди. Бундай учрашувлар битирувчиларнинг бир қанча муаммоларсиз иш жойларига етиб боришлари ва жойлашишлари учун хизмат қилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 мартдаги 129-сонли «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бакалавр ва магистр кадрларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ битирувчиларни ишга тақсимлаш ва жойлаштиришни таъминлаш тўғрисида»ги буйруғига биноан илова қилинган академик лицей ва касб-хунар коллежлари ва республика олий таълим муассасалари кафедраларининг илмий-педагогик кадрларга бўлган реал эҳтиёжлари ўрганилиб, битирувчиларни дастлабки ишга тақсимлаш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Апрель ойида 2010 йил битирувчиларининг ишга тақсимоти ўтказилди. Унда ўрта махсус, касб-хунар таълими ва халқ таълими бошқармалари вакиллари битирувчилар билан бевосита мулоқот қилдилар, иш жойларидаги шарт-шароитлар билан таништириб ўтдилар. Тақсимот комиссияси битирувчиларга ишга жойлашганларидан сўнг университет уларнинг педагогик меҳнат фаолиятини 3 йил давомида кузатиб бориши, шу вақт

мобайнида маслаҳатлар, услубий кўрсатмалар, ўқув қўлланмалари билан ёрдам бериши ва шу бўйича www.pedagog.uz ёки www.tdpu.uz порталига мурожаат қилишлари мумкинлигини яна бир бор таъкидладилар. Ёш мутахассисларга тақсимланган иш жойига йўлланма, тақсимот қароридан кўчирма, ишга жойлашишларида йўриқнома вазифасини ўтайдиган эслатмалар топширилди.

Айти пайтдаги сўнгги хулосаларга кўра, битирувчиларнинг 264 нафари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига, 598 нафари халқ таълими муассасаларига, 13 нафари олий таълим муассасаларига ишга тақсимланиб, якуний тақсимот қайдномалари тайёрланди. Тўлов-шартнома асосида битираётган талабаларнинг ўз ихтиёри ва кафолат хатлари асосида ишга тақсимоти давом этмоқда. Бугунги кунга қадар тўлов-контракт асосида таълим олаётган 398 нафар битирувчи мурожаат қилиб, ишга йўлланма олган.

Университет тақсимот комиссияси ўз фаолиятини давом эттириб, то битирувчилар ишга жойлашгунларига қадар муаммоли ҳолатларни ҳал этади, ишга жойлашиш жараёни, кейинги педагогик меҳнат фаолиятини кузатиб боради.

Эндиги вазифамиз давлат таълим стандартларига мувофиқ талабалардаги назарий билимларни мустақил равишда мунтазам бойитиб бориш кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларнинг ўзини кўпроқ изланишга жалб қилиш, асосий эътиборни эса босқичма-босқич амалга ошириладиган амалиётларга қаратишдир.

Таълим йўлида олиб борилаётган ҳар бир саъй-ҳаракат ва барча ислохотлар ёш авлодни баркамол, маърифатли инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилмоқда ва бу ҳаракатлар ўз натижасини бериши, шубҳасиз. Демак, таълим-тарбия ишлари сифати ва даражасини янада такомиллаштириб, мамлакатимизда педагогик йўналишда юқори малакали, юксак маънавийатли, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўйича янада янги марралар сари интилаверамиз.

Фазлиддин ХАЙДАРОВ,
Низомий номидаги
ТДПУ ректори



ётни ўтаётган битирувчи талабаларимизнинг илғор педагогик тажрибалар асосида битирув малакавий ишига оид материал тўплаши билан бирга танлаган касбига нисбатан меҳри ошганлиги, қолаверса, бунга масъулият билан ёндашиш зарурлигини тушуниб ет-

Бугунги куннинг энг замонавий иншоотларига айланиб улгурган касб-хунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар малакали педагогларга, ўз касбини ардоқлайдиган, мустақил фикрини ҳимоя қила оладиган, янги ғояларни шакллантирадиган интилувчан

Болажонларнинг орзикиб кутадиغان ва завқу шавққа тўла ёзги таътил кунларини ташкиллаштириш жорий, "Баркамол авлод йили" да ўзгача мазмун ва маъно касб этиши шубҳасиз. Чунки ёшларнинг жисмонан ва маънан камол топиши аввало, ҳаётни севишдан, унинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб, бўш вақтларини ўз келажаги учун аҳамиятли ишларга сарфлашдан бошланади. Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини самарали ўтказиши ҳам шу маънода катта аҳамиятга эга.

Болалар ва ўсмирлар учун таътилнинг мароқли ва мазмунли ўтиши оромгоҳ масъуллари, тарбиячилар ва тўғарак етакчилари фаолиятига бевосита боғлиқ. Шу боис Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси шаҳар Ўқувчилар ижодиёт маркази билан ҳамкорликда Учтепа туманидаги 116-мактабда ўқув семинарини ташкил этди. "Мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳ раҳбарлари ва педагог ходимларининг вазифалари" мавзусида шаҳар семинарида ёзги таътил мавсумида ўқувчиларнинг дам олиши, соғломлаштириш ишлари, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича таълим муассасаларининг вазифалари чуқур таҳлил этилаб, зарур методик тавсиялар берилди.

— Бугунги кунда мактаблар қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, ўтган йилгидан

да кўпроқ ўқувчиларни камраб олиш чоралари кўрилмоқда ва уларда ёшларнинг маънавий ва меҳнат тарбияси, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ҳамда спорт тадбирларини амалга оширишга қулай шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хумоюн Акбаров. — Оромгоҳларнинг бир меъёрида ишлаши би-

Seminar

лан боғлиқ бўлган педагогик ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳақ тўлаш каби барча хўжалик харажатлари туман халқ таълими бўлимлари томонидан молиялаштирилиши кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда фаолият юритадиган тарбиячи ва етакчиларнинг касб маҳорати, малакасини

ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилади.

Тадбир аввалида оромгоҳда фаолият юритадиган рақс, спорт, зардўзлик каби турли хил тўғаракларнинг кўргазмасидан сўнг семинар оромгоҳ бошлиқлари, оромгоҳ тарбиячи ва етакчилари ҳамда тўғарак раҳбарлари шўбасига бўлинган ҳолда давом этди.

Биринчи шўба йиғилишида болалар оромгоҳларида хўжалик-молиявий

ишларни ташкил этиш ва ҳужжатларни тўғри юриштириш, ўқувчилар ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирлари, тиббий санитария қоидаларига риоя қилиш, оромгоҳ ходимларининг болалар билан ишлашда йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этиш юзасидан вазифалари, тиббиёт ходимлари томонидан ўқувчилар соғлигини назорат этишда олиб бориладиган ишлар муҳокама этилди.

— Бу йилги ёзги оромгоҳларнинг ўтган йилгисидан фарқли жиҳатлари шундаки, жорий мавсумда ўқувчилар салмоғи ошди, дам олиш масканларида шарт-шароитлар янада яхшиланиб, компьютер саводхонлиги, бадий гимнастика, чет тилларини ўргатишга қаратилган тўғараклар фаолияти билан бойитилди, — дейди ТШХТББ бош мутахассиси Дурдона Қосимова. — Шаҳримиздаги мактаблар қошида ташкил этиладиган оромгоҳларда 14 июндан бoshлаб 10 кундан тўрт мавсум давомида 19800 нафар ўқувчи ҳордиқ чикаради.

Хуллас, бу йилги ёз мавсуми болажонларимизнинг мириқиб дам олиши, бутун ўқув йили давомида эгаллаган билим ва кўникмаларини мустақамлаши, қизиқарли учрашувлар ва хотираларида бир умр сақланадиган қувончли лаҳзалар даври бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Дилшод КАРИМОВ,
"Ma'rifat" мухбири

ЁЗГИ ТАЪТИЛ қандай ташкил этилади?



Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида «Хорижий тиллар ва адабиётини ўрганишда маданиятлараро мулоқот» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Республикамиз олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, хорижлик мутахассислар, аспирантлар ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

Xalqaro konferensiya



ТИЛ БИЛГАН ЭЛ ҲАМ БИЛСИН

— Хорижий тилларни ҳамма ўрганиши мумкин, аммо уни ўша халқ маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда эгаллаш лозим. Конференциядан мақсад хорижий тиллар ва адабиётини ўрганиш жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг аҳамияти, бугунги ҳолати, мавжуд муаммоларни кўриб чиқиш, вазифаларни белгилаб олишдир. Мазкур тадбирнинг айнан таржимонлик факультети иккинчи чет тиллари кафедраси ташкиллашгани билан ўтказилаётгани бежиз эмас. Негаки, алоҳида ўргатишчи тиллардан ташқари талабалар иккинчи тилни ҳам ўзлаштиришлари ва бу жараёни айнан ўша халқ урф-одати, маданияти, анъаналарини ўрганиш воситасида ташкил этиш натижаларни фақат яхшилашда, — дейди кафедра мудири Саиджон Ҳожиев.

Шунингдек, конференция олимлар учун яна бир имконият яратдики, унда мутахассислар ўзаро тажриба алмашиш, ёшлар эса ўз тадқиқот натижаларини тақдим

етиш ва янгиликларни ўрганиш имкониятига эга бўлдилар.

— Университетда инглиз, немис, француз тилларидан ташқари 15дан ортиқ, жумладан, япон, корейс, хитой, италиян, араб, юнон, ҳинд, турк, индонез каби тиллар ўқитилади, — дейди маърузачилардан бири, филология фанлари номзоди, доцент Носир Қамбаров. — Ҳозирги пайтда таржима қилиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Бунга сабаб электрон ва босма лугатларнинг тури ва хилма-хиллиги кундан-кун ошиб бораётганидир. Таржима қилишда таржимон сўзнинг ўзини, унинг маъноларини билиши кифоя қилмайди. У сўзнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олгандагина бадий мулоқот юз беради.

Ялпи мажлисдан сўнг уч шўбага бўлинган ҳолда давом этган конференцияда кўплаб долзарб ва қизиқарли маърузалар тингланди.

Шунингдек, конференция доирасида университет тил ва маданият марказларининг ҳамда

талабалар мустақил ишларининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Талабаларнинг мустақил ишлари ҳақида эса бизга ЎзДЖТУ 1-инглиз филологияси факультети инглиз тили фонетикаси ва фонологияси кафедраси мудири Ануш Шотунова гапириб берди:

— Талабалар томонидан тайёрланган мазкур мустақил ишлар ўқиш жараёнида интерактив, коммуникатив ўқув методларини қўллаш маҳсулидир. Дейлик, «Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари» мавзуси учун талабалар шу мавзуга тегишли деворий газета ҳамда ўзларининг бевоқиф иштирокларидан видеоларга тайёрлаб, алоҳида диск шаклига келтирилди. Кейин эса буларнинг барчасини аудиторияда инглиз тилида гапириб беришди. Бу каби ижодий жараёнлар шуни билан аҳамиятлики, талаба фақат тайёр матнда фойдаланиб тил ўрганмайди, балки уни ўзи яратади, шунингдек, техник, ташкилий кўникмалар ҳосил қилади.

Наргиза ТҲУХЛИЕВА

Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 16-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатида «Баркамол авлод йили» муносабати билан ҳафтанинг ҳар сешанбасида «Оила мактаби» тўғараги ишлаб келмоқда.

Тўғаракка жами 45 нафар жамоатчи, аълочи, меҳнатсевар қиз аъзо бўлган. Қизларимизга хотин-қизлар кўмитаси раиси, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Маъсудахон Сулаймонова раҳбарлик қилмоқда. «Оила мактаби» тўғарагини уюштиришдан мақсадимиз ўқувчи қизларимизни келгусида оқила уй бекаси, тадбиркор аёл, ишбилармон ходим, ўз касбининг устаси бўлиб, қийинчиликларсиз оила бошқаришига тайёрлашдир. Тўғарак раҳбари ўз иш режаси ва ўқувчи қизлар билан ишлаш бўйича тузилган тад-

бирий режа асосида иш олиб бормоқда. Тўғарак аъзолари шу кунга қадар талай ишларни амалга оширдилар. Жумладан, уй тутиш, дастурхон безатиш, пазандалик сир-синаотлари, болани парваришлаш, қизларга хос одоб, андиша ва бошқа кўплаб оила фаровонлигининг аёл кишига боғлиқ бўлган жиҳатларини ўрганиб, ўзлаштирдилар. Тўғаракнинг қизлар феъл-атвори, юриш-туриши, тарбиясида ижобий ўзгаришлар ясаётганини сеза бошлаган ота-оналар ҳам ушбу фаолиятдан мамнун бўлишмоқда.

С.БУВАҚУЛОВА,
мактаб директорининг
маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосари

МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ҚУЁШИ

Халқаро «Оила куни»да Фарғона шаҳридаги 41-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида уюштирилган, 110 нафар ота-она, жамоатчилик, олий таълим вакиллари, шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси,

ички ишлар бўлими раҳбар ва мутахассислари иштирок этган йиғилишда баркамол авлод маънавиятини шакллантириш, уларни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш масаласи муҳокама этилди. — Инсон қалбига йўл, — деб таъкидлади шаҳар ҳокими Э.Нуралиев, — аввало оиладан, боғча ва мактабдан бошланади. Оилада болага берилётган миллий тарбия боғчада такомиллаша боради. Мактабда эса янада сайқал топади. Бугун мактабларимиздаги болалар учун яратилган шароит дунё андозаларига жавоб берадиган даражада. Мамлакатимизда таълим ислоҳоти учун жуда кат-

та маблағ сарфланди. Натижада мактабларнинг моддий-техник базаси яхшиланиб, энг замонавий компьютер техникалари, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди.

Анжуманда ота-оналар шаҳар ҳокимлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида шаҳар ҳудудида ёшларнинг дарслардан кейин мазмунли дам олишларини ташкил этиш мақсадида маданий ҳордиқ объектларини кўпайтириш, спорт иншоотлари базасини кенгайтириш ва интернет-компьютер клублари фаолиятини қатъий назоратга олиш масалаларини кўндаланг қўйдилар.

Анжуман сўнгидан бир гуруҳ намунали оилаларга Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Баҳодиржон ШОКИРОВ,
"Ma'rifat" мухбири

Дарсларда ҳамма фаол

8-синф. Она тили дарси. Фан хонаси тегишли кўргазмалар қуроллар ҳамда техник воситалар билан жиҳозланган. "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиби Гулноза Нурматова мустақамлаш дарсини ўтаяпти...

Ўқувчилар ўтилган мавзулар юзасидан савол-жавоб тарзида ўйинни бошлашди. Шартга кўра улар уч гуруҳга бўлиниб, бир-бирига савол беришлари ва тезкор жавоб қайтаришлари керак. Хусусан, она тили дарсида ўтилган қоидалар айтилиб, уларга содда ва ҳаётий мисоллар келтирилди. Болаларнинг жавобларини ўқитувчи тўғрилаб, тўлдириб борди.

Эътиборимни тортган жиҳат, — дарс мобайнида ўқувчиларнинг ҳеч бири бўш ўтиргани йўқ ва уларнинг барчаси дарсга жалб қилиниб, эркин тарзда фикр юритиш имконига эга бўлди. Ўқитувчидан талаб қилинадигани ҳам аслида шу эмасми? Ўқувчиларнинг

гун чиройли бўлиб кетибсиз, устоз! Доим шундай бўлиб юринг", — дейишди. Бу сўзлар гарчи болаларча эътироф бўлса-да, чексиз самимиятга тўла эди. Бунда ўқитувчига нисбатан юксак эҳтиром мужассам.

Икки соат мобайнида муаллимнинг дарсларини кузатиб, бир дақиқа бўлса-да, ўтирганини кўрмадим. Ҳатто танаффусда ҳам болалар ундан айрилишни истамасди. Бутун синф ўқувчиларини бирваракайига фанга қизиқтириш мушкул иш, албатта. Агар ўқитувчи ўз фанининг билимдони бўлса, ўқувчиларни ҳам унга қизиқтира олади. Болаларнинг ҳар бир саволга бурро-бурро жавоб беришга интилишлари бу фан уларнинг ҳаммаси учун бирдек қизиқарли эканлигини кўрсатиб турарди. Дарсда ҳамма шугулланиши шарт — Гулноза опанинг шиори шундай.

"Олма" нимами ёки...


— Янги мавзунини мустақил ўргатиш тарафдориман, — дейди Гулноза Нурматова. — Уйда ўқиб кел, мана бу

Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi-2010

4та шеърни ёд олишга ҳаракат қилади. Ҳам дарс қизиқарли ўтади, ҳам шеър билгани ўзига фойда.

Изланишда ўрганиш

Иншо, ижодий баён, диктантлар ўқувчининг ёзма саводхонлигини оширади. Чунки имлода ўқувчиларнинг саводигина эмас, билими ҳам ўсиб боради. Шу боис, муаллима диктант матнларини шунчаки эмас, бирор тарихий шахс, воқеа ҳақида ёки янги билим берувчи маълумотдан танлашга интилади. Натижада ўқувчиларнинг ёзма нутқи ривожланади, ҳам билими ошади. Баъзан ўргатганлари ўзига ҳам асқотиб қолади. Ҳеч қачон билимнинг тўлиқ эгаллаш мумкин эмас. "Маданият" сўзининг маъноси ҳақидаги матндан диктант ёздириш жараёнида ўзи учун ҳам янги маълумотларни олган эди. Худди шу савол "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловининг "Педагогик ринг"



"БОШҚАЛААРЖИ ЎҚИММИЗ, ЎЗИММИЗ ҲАМ ЎРТАЖАММИЗ"

ҳеч бири эътибордан четда қолмаслиги машғулот самардорлигини таъминловчи омиллардандир.

Ҳамма "иш" билан банд. Бу — дарснинг асосий мақсади. Бир гуруҳ ўқувчилар доскада "сўз бирикмалари"га мисол ёзаётган бўлса, айримлари матн тузиб, уни таҳлил қилишга "шўнғиди"лар. Бошқалари эса турли кўргазмалар қуролларда акс этган сўзларни доскага жойлаштираёпти.

Атамалар луғати тузилиб, "Х"ми ёки "Х" ўйини ўйналди. Бу — ўқитувчи томонидан ўйлаб топилган. Ўқувчилар икки устунда ушбу ҳарфлар иштирок этган сўзлардан диктант ёзишди, сўнгра бир-бирларининг ишларини текширишди. Ўқитувчи тўғрисида ўқиб турди ва кимнинг нечта сўзни бехато ёзганлигини аниқлаб, баҳолади.

Дарс давомида газетада чиққан тест материаллари ёрдамида болалар билими яна бир бор синалди. Сўнгра, лирик чекинишда ўқувчилар мушоирага киришишди.

"Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловининг республика босқичида Юнусобод туманидаги 288-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Гулноза Нурматованинг 1-ўринни қўлга киритишида дарсларни ташкил этишдаги шу каби илғор усуллар муҳим ўрин эгаллади.

"Бугун чиройли бўлиб кетибсиз, устоз!"

Кейинги дарс 6-синфда экан. Ўқувчилар устозига меҳр билан термулиб: "Бу-

қоидани ёд ол, деган топшириқни ҳамма бола ҳам бажара олмайди. Янги мавзунини ўз кузатувида уларнинг ўзларига бажартираман. Аввало, мавзу юзасидан ҳар бир болага алоҳида топшириқ бераман. Болалар бир-бирини тинглашмайди. Шу боис, бирининг жавобини бошқасидан сўрайман. Шунда улар ўзиникини ҳам, тенгдошиникини ҳам бирдек ўзлаштиради. Булардан ташқари, "Қоидани тескари айтиш", "Мен сенга қарши" ўйинлари ҳам болалар билимини синашда қўл келади.

Айниқса, дарс бошида болалар диққатини жалб қилиш учун "Мантикий фикрлаш" ўйинидан кўп фойдаланаман. Масалан, ҳам мева, ҳам иш-ҳаракатни англатадиган сўз (олма), ҳам шаҳар, ҳам қиз номи (Мадина) каби қизиқарли саволлар болаларни бефарқ қолдирмайди. Бу каби мантикий саволларни ўқувчилар ёшига мослаб тузаман.

"Шеър дафтарингиз борми?"

— Ўқувчиларимга шеър дафтари туттирганман. У маъно-мазмунини болалар онги ва ёшига мос бўлган шеърлар билан тўлдириб борилади. Она тили дарсларида ўқувчилар чарчаб ёки зерикиб қолмасликларини учун 5 дақиқа "лирик чекиниш" эълон қиламан. Унда ўқувчилар ўз дафтарларидаги шеърларни ёддан ифода қилиш тарзида айтиб беришди ёки мушоира ўтказамиз. Бунинг учун барча ҳарфлар иштирокида шеърлардан намуналар ёздираман. Ўқувчи ҳеч бўлмаганда 3—

шартида тушса бўладими? Шунда ўқувчиларга ўргатиш жараёнида ўқитувчи ҳам кўп нарсани табиий равишда ўрганиб борар экан, деган фикрга келди. Ҳар бир янги дарс фақат ўқувчигагина эмас, ўқитувчининг ўзига ҳам қандайдир янгилик бериши керак. Акс ҳолда педагог учун ҳам, болалар учун ҳам дарс бир хил кечидиган, одатий жараёнга айланиб, унга бефарқлик юзага келиши мумкин.

Парта тагидан топилган мактуб

У саккиз йилдан буён синф раҳбари. Болалар билан ҳаммаша бирга. Боланинг тилини тополса, ўқитувчи билан худди онасидек муомалада бўлишига юз карра ишонган муаллима уларнинг муаммоларини биргаликда ҳал қилишга интилади. Асосан, қизлар иншода қалбларидаги кечинмаларини ёзишди. Онаси уни тушунмаслигини, ўрталаридаги муносабатнинг ёмонлигини ёки дугонасининг у ҳақидаги нотўғри фикри... Хуллас, шунга ўхшаш тафсилотлар. Гулноза опа улар билан сирлашади, тиллашади.

Ўқувчилар табиатан ҳар хил, баъзилари тортинчоқ, дилидагини ҳаммадан сир туттади. Аксарият ҳолларда ўғил болалар "сир"лари билан ўртоқлашишни хоҳламайди. Ана шундай ўқувчиларидан биттаси мактуб ёзиб, партанинг тагига қўйиб кетибди. Исми-шарифини кўрсатмаган. Ёзувига қараб кимлигини билиб олган муаллима мактубни ўқиб, ўқувчининг ўз хатосини англаб етганидан таъсирланганини ва эсдаликка олиб қўйганини айтди. Баъзан шўх болалар бўлади.

Уларни синфдошларининг олдида мулзам қилгандан кўра, секингина, яхши гап билан тушунтирилса, кўпроқ таъсир қилади. Уларга тўғридан тўғри танбеҳ беришнинг фойдаси йўқ. Бола билан яқма-яқма иш олиб бориш педагогикадаги энг самарали усулдир, деган қоидаларга Гулноза опа доимо амал қилади.

Ҳамкасблар фикри...

Зулхумор Шералиева, инглиз тили ўқитувчиси: — Гулноза биринчи мартаба мактабга ишга келганида дарсига кириб, кўзларимда ёш билан чиққанман ва мактабга энди ҳақиқий она тили ва адабиёти ўқитувчиси келибди, деб ўйлаганман. Чунки у ижодкор. Шундай хислатли ўқитувчига қизиқарли, таъсирли дарс ўта олади. Шеър ва ғазалларни шу қадар ифода қилишдики, беихтиёр эдингиз жимирлайди. Шогирдлари ҳам ўзига ўхшайди. Ёшим ундан катта бўлишига қарамай, кўп нарсани ўрганганман. Соҳамизда нимаики янгилик бўлса, биринчилардан бўлиб дарсларига олиб киради. Энг кўп очик дарсларни ҳам Гулноза ўтади.

Гулчеҳра Ҳошимова, ўқувчисининг онаси:

— Гулноза опа қизимга ўтган йилдан буён дарс бера бошлади. Шундан сўнг унинг китобга, бадий асарларга қизиқиши ортди. Ҳар куни дадаси иккаламизга талаб қўяди, бир талай китоблар рўйхати. Муҳайё қиламиз. Ҳозир ўзининг шахсий кутубхонаси бор, китоблари кўп. Суриштирсам, устози бадий асарлардан дарсда парча ўқиб

берар ва қолганини уйда ўзларинг мустақил ўқиб, савол тузиб келинлар дер экан.

Мактабда "Ёш адабиётшунослар" тўғрагини бошқарадиган Гулноза Нурматованинг иқтидорли шогирдлари кўп. Улар шаҳар ва республика миқёсида ўтказилган тадбир ва танловларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўқувчиси Феруза Мирағзамова она тили ва адабиёти фанидан 2008 йили умумтаълим фан олимпиадасининг шаҳар босқичида 1-ўринни қўлга киритган бўлса, ота касбини улуглаб келаётган устознинг ўзи ҳам шаҳар миқёсида ўтказилган "Устоз — маърифат сарчашмаси", "Ўзбек тили ва умуминсоний қадриятлар", "Баркамол авлод тарбиясида алломалар ибрати", "Зулфия шеърятининг инсон камолотидаги аҳамияти" каби мавзуларда ўтказилган "Энг яхши электрон дарс ва тадбир ишланмалари" танловларида 1,2-ўринларни эгаллаган. Айниқса, унинг шу йилги "Адабиёт декадаси"да "Адабиёт — миллатнинг қалби" мавзусидаги электрон очик дарси ижодкор, илғор ва ёш мутахассислар учун яхшигина методик ёрдам бўлди.

Сенеканинг мақоламиз сарлавҳасида келтирилган фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, педагог ҳеч қачон изланишдан, билим олишдан тўхтамаслиги лозим. Зеро, бошқаларга ўргатиш жараёнида у яна ҳам кўпроқ ўрганади ва шундангина келажакка ҳар томонлама етук шахсларни тарбиялаб бера олади.

Райҳона ХҲЖАЕВА, "Ma'rifat" муҳбири

Талабанинг тўрт йиллик билимлари сарҳисоби унинг ўзи танлаган мавзу бўйича ёқлайдиган битирув-малакавий ишида яққол кўзга ташланади. Аслида ҳеч бир ютуқ машаққатсиз юзага келмайди, айниқса, бутунлай ўзга бир тилни ўзлаштириш борасидаги меҳнатни тасаввур қилиш учун ўзингизни бир неча дақиқа давомида бутунлай нотаниш тилда сўзлашаётганларнинг ичига қўйиб кўриш кифоя. Балки шунда аниқ фанлардан кўра осонроқ туюлган бу соҳанинг чинакам қийинчиликлари ҳис этиш мумкин бўлар...

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг II инглиз филологияси факультети битирувчилари учун ҳам айнан мана шу кунлар анчадан бери кутилган ҳаяжонларга тўла кечяпти. Боиси, улар тажрибали мураббийлардан иборат ҳайъат комиссияси олдида ўз битирув ишларини ҳимоя қилиш билан банд. Жумладан, 412-«Б» гуруҳи талабаларининг битирув-малакавий ҳимояси жараёни ҳам жуда қизиқарли ва жўшқин кечди.

АМАЛДА ИСБОТЛАДИК

Талабанинг битирув-малакавий иши у танлаган мавзунинг ўрганиши, олиб борган илмий изланишлари, тадқиқотлари натижасида дунёга келиши маълум. Агар у ўзи танлаган мавзунинг ўрганиши анча аввалроқ бошлаган бўлса, нур устига нур — бўлажак тадқиқотнинг пойдеворига

— Илмий ишим давомида ўқитишнинг шу усули нақадар самарали эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилдим, — дейди Лилия ҳам. — Айниқса, лексикада ўйин усули жуда қўл келади. Чунки дарс давомида болаларнинг ҳаммаси топшириқни баравар бажаришга ҳаракат қилади, синфда билимлар ҳар хил даражада бўлишидан қатъи назар, ўзаро тенг-

БИЛИМЛАР САРҲИСОБИ

назария билан амалиёт мукамал уйғунлашган тадқиқотлар юқори баҳоланди

асос солинган бўлади. Факультетнинг 412-«Б»-гуруҳи талабалари — Ксения Новик ва Лилия Собитоваларнинг изланишлари ҳам худди шу тарзда кечган. Утган ўқув йилида университет миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманда Ксения умумий ўрта таълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш жараёнида кўргазмаларни қуроллардан фойдаланишнинг самарали усуллари амалга татбиқ этиш мавзусидаги, Лилия эса инглиз тилини ўқитишнинг дастлабки босқичида ўйин усулидан фойдаланиш ҳақидаги изланишлари билан иштирок этганди. Анжумандан сўнг муваффақиятли топилган ишлар, жумладан, Ксения ва Лилиянинг мақолалари ҳам жамланиб, китоб сифатида чоп этилди. Балки мана шу рағбат туртки бўлибми, бу икки талаба ўз илмий изланишларини кейин ҳам давом эттиришди. Натижада эса, Ксения ва Лилиянинг бакалавр дипломини олиш учун айнан ўша мавзуларда ҳимоя қилган битирув ишлари муваффақиятли деб топилди.

— Амалиётга чиққан пайтимизда, ўзимиз ўрганаётган мавзунинг синаш имкони юзага келди, — дейди Ксения. — Айниқса, 13-14 ёшдаги болаларнинг кўргазмалар воситалар асосида тил ўрганиши жуда осон кечади. Қолаверса, ноанъанавий усуллар дарснинг жонлишига, одатдаги зерикарли маълумотлар билан чекланмаслигига замин яратади.

лик ҳукм суради. Ўқитувчи кўзлаётган натижага болаларнинг интилиши, ҳаракат қилишлари орқали эришилади.

Айни кунда олдимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш вазифаси турибди. Шунингдек, жамиятимизда бир эмас, бир неча тилни ўрганиш ҳаётини заруратга айланиб қолди. Демак, хорижий тилни ўқитишнинг энг самарали усуллари нима излаб топиш, уни оммалаштириш давр талабидир.

ЎРГАНИЛМАГАН МАВЗУ

Бугун жаҳон адабиёти вакиллари-нинг кўплаб асарларини ўзбек ёки рус тилида топиш мушкул эмас. Аммо инглиз ёзувчиларининг асарларини айнан инглиз тилида тадқиқ этиш борасида бундай дея олармиканми? Йўқ, албатта. Битирувчи Зарина Аллабергеновага илмий раҳбари мавзу сифатида ёзувчи Сомерсет Мозмнинг кичик ҳикояларини ўрганишни тавсия қилганида, у ҳеч иккиланмади. Чунки жаҳон адабиётида машҳур романлари билан бирга ихчам ҳикоялари орқали шухрат қозонган адибнинг ижоди уни ҳам жуда қизиқтириб қўйди.

Зарина инсон руҳиятининг мураккаб дунёсига етакловчи, ҳаётга бошқача назар билан қарашга мажбур этувчи бу асарларни тилшунос сифатида ўрганишга ҳаракат қилди. Мазкур ҳикоялар тилининг раволи-

Jarayon



ги, ўринли ўхшатишлар, метафоралардан фойдаланилганлигини тадқиқ қилиш Зарина олиб бораётган илмий ишнинг асосий мазмунини ташкил этди.

— Утган асрда ижод қилган инглиз ёзувчиси Сомерсет Мозмнинг романлари шу кунгача кўплаб тилшунослар томонидан ўрганилган, — дейди Зарина. — Аммо унинг кичик ҳикояларини тадқиқ қилишни мана шу ёзган илмий ишим билан бошлаб берганимдан хурсандман. Тадқиқот давомида адибнинг уч ҳикоясини ўрганишга ҳаракат қилдим. Уларда чиндан ҳам инсон кечинмалари бетакрор жумлалар, ажойиб ўхшатишлар ёрдамида очиб берилди. Адиб асарларида табиат тасвирларини учратмайсиз, уларда инсон руҳияти энг юксак ўринда туради. Асар мана шу жиҳатдан ҳам ҳар

қандай даврда ўз қадрини йўқотмайди.

Гуруҳдаги ўн икки талабанинг турли мавзудаги иш тафсилотлари тинглангач, ҳайъат аъзолари уларга баҳо бериш учун кенгашилар. Кўплаб талабаларнинг билими бир овоздан «аъло»га баҳоланди. Юқоридаги қаҳрамонларимизнинг ишлари эса улар орасида энг сара тадқиқотлар сифатида қайд этилди.

— Бу йилги битирувчи талабаларимизнинг изланишлари, тилшунослар нуктаи назари билан қараганда, ҳар томонлама мукамаллиги билан ажралиб турди, — дейди университетнинг фахрий мураббийларидан бири Дилбар Абдурахмонова. — Улар бир-биридан долзарб, қизиқарли мавзулар устида илмий изланишлар олиб боришди. Утган тўрт йил мобайнида талабаларимизнинг барча фанларни аъло даражада ўзлаштириганидан мамнунмиз.

Ҳимоя муваффақиятли яқунланди, талабаларнинг эса келгуси режалари бисёр: кимдир ўқитишни навбатдаги босқич — магистратурада давом эттиришни, яна кимдир амалиётда ўз билимларини мустаҳкамлашни истайди.

Ҳаётнинг янги бир босқичига етук мутахассис сифатида кириб келаётган барча ёшларимизга ғайрат ва омад тилаб қоламиз, ишонамизки, олдиндаги амалий синовларда ҳам уларнинг билими фақат «аъло»га баҳоланади.

Муҳаббат ШАРИФОВА

«МУТАХАССИСЛИК — СЕНИНГ КЕЛАЖАГИНГ»

Хоразм вилоятида «Камолот» ЁИХ марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, мактаб битирувчиларининг касб танлашларига кўмаклашиш, уларни жойларда фаолият юритаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлардаги мутахассисликлар билан яқиндан таништиришдан иборат.

«Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмасида вилоятдаги 86та касб-хунар коллежи ва 5та академик лицей ўзларида ташкил этилган 102та йўналиши бўйича кўргазмалар ва ҳар бир билим даргоҳи тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар акс эттирилган махсус буклетлар, тарқатма материаллари билан иштирок этди.

Урганч шаҳридаги Амир Темур номидаги истироҳат боғида ташкил этилган кўргазмада Урганч шаҳри ва тумани ҳудудида жойлашган 24та касб-хунар коллежи ва академик лицейи ўқувчилари, шунингдек, умумтаълим мактабларининг 5765 нафар битирувчи синф ўқувчилари, уларнинг ота-оналари қатнашди.

— Мен болаликдан аскар бўлишни ният қиламан. Шу боис ҳам бугунги кўргазмада иштирок этиб, Урганч шаҳридаги ҳарбий юридик лицейда ўқишни ўз олдимга мақсад қилдим. Ватанини ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи. Келгусида буюк аждодларимиз сингари мард, жасур, ватанпарвар ўғлон бўлишга ваъда бераман, — дейди Урганч шаҳридаги 2-мактабнинг 9-синф битирувчиси Абдушариф Абдушарипов.

— «Мутахассислик — сенинг келажагинг» кўргазмасига келиб қайси мутахассисликни танласам экан, дея ўйлашиб қолдим. Сабаби, кўргазмадаги мутахассисликларнинг барчаси ҳам керакли деб биламан. Ҳазорасп туманидаги 15-умумтаълим мактабини тугатиб, тумандаги тиббиёт коллежига ҳужжатларимни топширишга аҳд қилдим. Тиббиёт коллежидан аъло баҳоларга ўқиб малакали ҳамшира бўлиб, беморлар дардига шифо беришга кўмаклашишни истайман, — дейди Сабоҳат Шомуродова.

Вилоят бўйича ўтказилган мазкур кўргазмаларда 532та умумтаълим мактабларининг 31820 нафар ўқувчиси академик лицейлар, коллежлар фаолияти билан яқиндан танишди.

Кўргазма жараёнида халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган бадий ҳаваскорлик тўғрақлари иштирокида мусиқали дастурлар намойиш қилинди.

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА

Хоразм вилояти.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК УЧУН ТАКЛИФ

Танлов тартиб рақами: УМКХТД-2010

Танлов номи: Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта нашр этиш юзасидан танлов

Буюртмачи: Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази.

Манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй

Молиялаштириш: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда банкротлик жараёнида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия)га эга ва илгари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларини лозим даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи харидорга шартномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар танлов ҳужжатининг II бобида келтирилган талабларга жавоб бериши зарур.

Танлов комиссияси ўзининг эҳтиёткорлик чораларидан келиб чиққан ҳолда I бобнинг 6-бандида белгиланган тартибда танлов ҳужжатларига қўшимча киритиш орқали таклифларни топширишнинг охириги муддатини узайтириши мумкин. Бунда қатнашчиларнинг ҳуқуқлари таклифнинг охириги топширилиш муддати ўзгарган муддатга пропорционал равишда ўзгаради.

Танловга тақдим этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг рўйхати илова этилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ва танлов ҳужжатларини харид этган нашриётлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 18:00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасидан олишлари (Манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй. Телефон: (+998 71) 246-14-87, 246-27-11. Факс: (+998 71) 246-14-91) мумкин.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 200 000 (икки юз минг) сўм миқдоридан қайтарилмайдиган тўлов пули ўтказилганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Танлов ҳужжатлари олинади:

Махсус ҳисоб рақами №:20203000903761981001,

АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали,

МФО: 00423, ИНН: 202515618. ОКОНХ 92120

Барча танлов ҳужжатлари асосида талаб этилган ҳужжатлар 2010 йил 17 июнь соат 12:00га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари 2010 йил 17 июнь соат 15:00да юқорида келтирилган манзилда қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази қатнашчилар томонидан танлов таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2009 йилда давлат дастури доирасида Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилган умумтаълим мактабларига мактаб мебеллари харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилишини эълон қилади.

Тендер савдолари очик турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидорғир маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта олади.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайди:

- қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
- белгиланган муддат ичида тендер олди саралаш босқичи (квалификационный отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тўлиқ тақдим этмаганлар;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан аввал имзоланган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар;
- тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон берилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ой бўлмаганлар;
- Халқ таълими вазирлигини ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнида бошдан кечираётганлар.

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар, уларни тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин Тендер комиссияси ёки Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан ўтказиладиган Саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтишлари лозим. Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида папкада қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

Мебель ва жиҳозлар ишлаб чиқариш учун ўзининг ишлаб чиқариш биноси ва дастгоҳлари (ёки ижарага олган ишлаб чиқариш биноси, цехлари ва дастгоҳлари) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (Кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

Давлат рўйхатида олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

Талабгорнинг Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотиал тасдиқланган нусхаси;

Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;

Талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;

Талабгорнинг Ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналарини тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Саралаш босқичи ўтказилиши Тендер комиссияси томонидан белгиланади ва кўпи билан бир ҳафта муддат ичида амалга оширилади.

Тендер савдоси тўғрисида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг Ишчи органига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва яқшанбадан ташқари), тендер таклифларини қабул қилишнинг охириг кунига қадар ҳар куни соат 10:00дан 17:00гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100078, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5,

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.

Телефонлар: (8-371) 239-19-58, 239-13-35, 239-18-24.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Халқ таълими вазирлигининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридан қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари лозим:

Халқ таълими вазирлигининг банк реквизитлари:

Х/Р.: 20203000100101044002, АТ "Ипотека" Банк, Меҳнат бўлими, Тошкент шаҳар,

МФО: 00423, ИНН:201122808, ОКОНХ: 97300.

Тендер савдоларида харид қилинадиган мебель ва жиҳозларнинг энг юқори (максимал) нархлари:

Т/р	Жиҳозларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Энг юқори (максимал) нархи
1	Бир табақали синф доскаси (Доска классная одно створчатая)	дона	74 100,0
2	Журнал учун стол	дона	40 375,0
3	Китоб жавони	дона	107 100,0
4	Китоблар тарқатиш учун кафедра столи	дона	167 200,0
5	Китоблар учун бир томонлама жавон (Стеллаж для книг односторонний)	дона	180 500,0
6	Китоблар учун икки томонлама жавон (Стеллаж для книг двухсторонний)	дона	110 200,0
7	Кодоскоп учун стол	дона	68 200,0
8	Мўриги шкаф	дона	398 844,3
9	Плакатлар учун осма экспозицион доска (Доска экспозиционная навесная для плакатов)	дона	35 520,0
10	Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган кимё столи (1та стол, 2та стол)	тўплам	178 617,3

11	Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган тақриба столи	дона	329 833,0
12	Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган ўқувчи столи (1та стол ва 2та стол)	тўплам	178 259,2
13	Пластик қопламали кимёвий жиҳатдан мустаҳкам бўлган физика столи (1та стол, 2та стол)	тўплам	178 546,3
14	Уч табақали синф доскаси (Доска классная 3-х створчатая)	дона	126 000,0
15	Ўқитувчи столи (приставки)	дона	56 810,2
16	Ўқитувчилар учун икки тумбали стол (Стол двухтумбовый для учителя)	дона	106 800,0
17	Ўқитувчилар учун ярим юмшоқ стол	дона	32 983,3
18	Ўқувчилар партаси №5 (1та стол, 2та стол)	тўплам	98 000,0
19	Ўқувчилар партаси №6 (1та стол, 2та стол)	тўплам	98 000,0
20	Физика лаборатория столи	дона	106 519,1
21	Физика, кимё ва биология лаборатория хоналари учун қўргазмалли қўроллар шкафи	дона	189 781,0

Изоҳ: *жиҳозларни 2010 йилнинг 1 сентябрига қадар умумтаълим мактабларига етказиш, йиғиш ва ўрнатиб бериш лозим.

Тендер таклифларига 2% миқдоридан бўнақ пули бириктирилган бўлиши шарт. Бўнақ пули Халқ таълими вазирлигининг юқорида кўрсатилган ҳисоб рақамига ҳар бир Лот бўйича алоҳида ўтказилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган бўнақ пули билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари Тендер комиссиясининг Ишчи органига 2010 йил 2 июль соат 15:00дан кечиктирилмаган ҳолда тақдим қилиниши лозим. Тендер савдолари ташкилотчилари тендер таклифларини ишлаб чиқиш ёки тендер савдосида иштирок этиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз зиммасига олмайди.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши Тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги ПК-910-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги "Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 456-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2010 йилда болалар мусиқа ва санъат мактабларига мусиқа асбоблари, инвентар ва замонавий ускуналарини харид қилиш бўйича тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилади.

Тендер савдолари очик турда ўтказилиб, унда мусиқа ва санъат мактаблари учун мебеллар ишлаб чиқариш ҳамда инвентарлар, мусиқа асбоблари ва ва замонавий ускуналарни етказиб бериш имкониятига эга бўлган мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомига эга бўлган, жумладан, кичик бизнес субъектлари — Ўзбекистон Республикаси резидентлари иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида тендер ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган юридик шахслар иштирок эта оладилар.

Тендер савдоларида қуйидаги юридик шахслар иштирок эта олмайди:

- қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;
- белгиланган муддат ичида Саралаш босқичи учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий идоралари билан аввал имзоланган шартномалар шартлари бўйича келишилган мажбуриятларни ўз муддатида бажармаганлар;
- тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон берилган кунга қадар ташкил этилганлигига 6 ойдан кам бўлганлар;
- Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари билан суд ёки арбитраж жараёнида бошдан кечираётганлар.

Тендер савдосида қатнашмоқчи бўлган талабгорлар, уларнинг тендер таклифлари солинган конвертлар очилишидан олдин Тендер комиссияси ёки Тендер комиссиясининг Ишчи органи томонидан ўтказиладиган Саралаш босқичи (квалификационный отбор)дан ўтишлари лозим. Бунда талабгорлар Тендер комиссиясининг Ишчи органига тендер таклифлари билан биргаликда алоҳида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

— мебеллар ишлаб чиқариш учун шахсий биноси ва дастгоҳлари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (Кадастр маълумотномаси)нинг асли ёки ўрнатилган тартибда тасдиқланган нусхаси;

— Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаларидан талабгор банкротлик жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома;

— Давлат рўйхатида олувчи органдан талабгор тугатилиш ёки қайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

— талабгорнинг Давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳноманинг нотиал тасдиқланган нусхаси;

— Давлат солиқ инспекциясидан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзи йўқлигини тасдиқловчи маълумотнома;

— талабгорга хизмат кўрсатувчи банкдан талабгорнинг тендер савдолари ўтказилиши тўғрисида эълон қилинган кунгача бўлган даврда асосий ва иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлигини тасдиқловчи тегишли маълумотнома;

— талабгорнинг Ишчи органига тендер савдоларида қатнашиш учун таклиф этаётган маҳсулот намуналарини ёки фото альбомини (каталог) тақдим этганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси.

Саралаш босқичи ўтказилиши Тендер комиссияси томонидан белгиланади ва кўпи билан бир ҳафта муддат ичида амалга оширилади.

Тендер савдоларида ғолиб деб топилган корхона ва ташкилотлар, имзоланган шартномалар бўйича барча мажбуриятларни шартномада келишилган муддат ичида бажаришлари талаб этилади.

Тендер савдолари тўғрисида ва маҳсулот нархларининг максимал нархи ҳақида қўшимча маълумот олиш учун Тендер комиссиясининг Ишчи органига эълон чиққан кундан бошлаб (ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) тендер таклифларини қабул қилишнинг охириг кунига қадар ҳар куни соат 10:00дан 17:00гача қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиниши мумкин:

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани,

Сайрам кўчаси 92-уй,

Телефонлар: (8-371) 268-03-37, 239-41-27, 239-18-24, 268-27-98.

Факс: (8-371) 268-03-37.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар Ишчи органининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 2 100 000 (икки миллион бир юз минг) сўм миқдоридан қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари лозим:

Банк махсус ҳисоб рақами: 20210000700101561002.

АТ "Ипотекабанк"и Меҳнат филиали.

МФО: 00423, ИНН: 200524742, ОКОНХ: 71100.

Тендер таклифлари 2% миқдорларда зақалат пули билан бириктирилган бўлиши керак. Зақалат пули Тендер комиссияси Ишчи органининг юқорида келтирилган махсус ҳисоб рақамига ҳар бир Лот бўйича алоҳида ўтказилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган зақалат суммаси билан бириктирилмаган тендер таклифлари Тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Тендер таклифлари Тендер комиссиясининг Ишчи органига (ҳафтанинг шанба ва яқшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2010 йилнинг 2 июль кунин соат 15:00дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Тендер таклифлари солинган конвертларнинг очилиши Тендер комиссияси томонидан амалга оширилади.

Болалик — бегубор ва ширин орзуларга лиммо-лим давр. Бегуборлиги шундаки, у барчага фақат ва фақат яхшилиқ, эзгулик соғинади. Ширин орзулар эса... Кичкинтойлигида уй шаклидаги ширин кулчада яшаш, шарбат тўла дарёда чўмилиш, мармеладли камалак атрофида шоколаддан ясалган самолётда учишни ким ҳам орзу қилмаган, дейсиз.

Буни қарангки, бир гуруҳ олимлар мурғак тафаккурга хос хаёлларнинг айримларини рўёбга чиқаришга бел боғлашибди.

"Менга шу ҳақида мактуб жўнатишганида аввалига жуда ҳайрон бўлдим. Сабаби унга кўра, ғайритабиий лойиҳани амалга ошириш бўйича ёрдам беришим керак эди. Хатда "геомухандислик", "музқаймоқ ортилган фургон", "нано-технология", "ширинлик таъмини берувчи булут" каби сўз бирикмалари қизиқишимни янада оширди. Аммо уларнинг орасида "суяқ азот"ни кўриб ҳафсалам пир бўлишига бир баҳя қолди". Бу айтилган "Ривожланаётган нанотехнологиялар ёхуд булут" лойиҳасининг амалга оширилишига ўзининг илмий маслаҳатлари билан ҳисса қўшиб келаётган олим Эндриу Мейнарднинг сўзлари.

Вақт ўтиши билан амалга оширилган ишлар келтирган ютуқлар соҳа мутахассисларини ҳақиқатан ҳам бегубор эрмаклар билан фан ютуқларини уйғунлаштиришга астойдил киришганини кўрсатди. Бундан ташқари, ким ҳам янгилаш кўришидаги аввалдан мавжуд ширинликни татиб кўришни орзу қилмайди, дейсиз.



1-расм: бугунги кунда бир қатор мамлакатларда ёз — таътил мавсуми бошланиши билан кўчаларда ранг-баранг қилиб безатилган, "кувноқ" дизайнга эга бўлган ва энг асосийси, музқаймоқ ортилган фургонлар пайдо бўлади. Улар бизнес қилиш воситаси, маданиятнинг бир бўлагига айланиши билан бир қаторда болажонлар севиб қарши оладиган транспорт воситаларидир, десак муболага бўлмайди. Бу каби ширин юк ортиб олган "пўлат отлар"ни кўнгилочар боғлар, парклар, сув ҳавзалари, ҳайвонот боғларию цирклар, хуллас, маданий ҳордиқ чиқариш масканлари яқинида учратиш мумкин (манбалар: Cloud Project, Marco del Grande, discoverunearthed.wordpress.com, wikipedia.org сайтлари).

Аслида мазкур лойиҳа ғоясини таниқли дизайнерлар Зои Пападополу ва Кэтрин Крамер ишлаб чиққанди. Профессор Мейнардга илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни сўраб хат йўллаганлар ҳам улар. Ҳозирда махсус усуллар ёрдамида сунъий ёмғир ёки қор ёғдириш мумкинлиги ҳақида кўпчилик эшитган. Шундан келиб чиққан ҳолда, янги лойиҳа муаллифлари олдиларига шундай мақсадни қўйдилар: "демак, шоколадли, ванилли ёки қорағатли ёгингарчиликни уюштиришнинг уддасидан чиқса ҳам бўлади".



2-расм: бу борада махсус "булут тайёрлаш" учун 1980 йилда ишлаб чиқарилган эски "Leyland Sherpa" фурғони реконструкция қилинди. Уни шундай кўринишга келтириш учун бир неча ойдан ортиқ вақт ва машаққатли кўл меҳ-

нати талаб этилди. (манба: ha++/flickr.com).

Энди келинг, тарихга назар ташлаймиз. Бундан бир неча йил аввал Буюк Британиядаги Қироллик санъат коллежи "Ўзаро боғлиқликлар дизайни" бўлимининг икки нафар талабаси (Зои Пападополу ва Кэтрин Крамер) булут-музқаймоқ бўйича илк чизмаларни ишлаб чиққанди. Ўшанда ушбу инновацияга муҳандислик ва табиий фанларни ўрганиш ҳукумат агентлигининг собиқ маслаҳатчиси, нанотехнология бўйича мутахассис Ричард Жонс юқори баҳо берганди. Бу эса муаллифларни янги марралар сари илҳомлантирди. Улар муваффақиятга эришиш йўлида дуч келган барча тўсиқларни енгиб ўтишдан ташқари ўз кашфиётларини такомиллаштириб бордилар.

— "Суяқ азот (тезда музлатиш учун) ёрдамида катталиги нанометрлар билан ўлчанадиган таркибий қисмлардан иборат "силлиққина" музқаймоқ маҳсулотни тайёрласа бўлади. Яна бир жиҳати, турли наноқисмлар кристалланиш

"МУЗҚАЙМОҚ БУЛУТИ"

ёки нанотехнологиялар озик-овқат саноатида


жараёнида катта аҳамиятга эга, — дейишди Зои ва Кэтрин. — Бу эса сунъий об-ҳавони ҳосил қилишда кўл келади. Шундай экан, нима учун шу икки усулни бирлаштириш мумкин эмас? Бунинг учун атмосфера наноқисмларга тўйинтирилган суяқ азотли музқаймоқ билан "чанглантирилса", бас. Осмондан музқаймоқли қор ёғади. Назариямизга кўра шундай бўлиши керак.

Ҳозирча ушбу ғояни амалиётга қандай қилиб катта самара билан жорий этиш мумкин, деган саволга аниқ жавоб топилгани йўқ. Мейнарднинг айтишича, орзулар билан ҳақиқат ўртасидаги фарқ сезиларли даражада катта. Шунга қарамай, янгилаш тизим намунаси — "самовий музқаймоқ" фурғони яратилди. Яна бир эътиборли томони шуки, Лондон шаҳрида ташкил этилган "Design Interactions Show" кўргазмасига қўйилган янгилаш қиёфадаги юк машинаси қизиқиш марказида бўлди. Демак, дастлабки кутиб олиш ва таассуротлар ҳам чакки бўлмагани аниқ.

Шу ўринда унинг ишлаш механизми ҳақида ҳам озгина тўхталсак. Транспорт воситасининг томига ўрнатилган ва кучли сув пуркагични эслатадиган қурилма ширинликлар булутини ҳосил қилишда асосий роль ўйнайди. Тўғри, ҳали-бери осмонда мевали ва мазали музқаймоқлар тўла, турли шаклдаги "баркут ёстиқчалар"ни учратмайсиз. Аммо Зои ва Кэтрин айнан шу машина ичида замонавий технологиялар асосида дастлабки нанотехнологик ширинликни яратишнинг уддасидан чиқишди.

3-расм: ишонмасангиз, мана бу фотосуратларга қаранг (манбалар: ha++/flickr.com ва Cloud Project).

Ундан баҳраманд бўлганлар эса "Қойил! Ҳали бунақасини татиб кўрмагандим!" дейишди. Айрим болалар ота-онасига "Яна шунақасидан олиб berasiz", деб хархаша ҳам қилдилар. Бу эса навбатдаги ижобий натижадан дарак беради. Шундай қилиб, фургон болалик орзусининг амалии ифодасига айланди. Шунингдек, у "кристалланиш жараёни" билан боғлиқ муҳока-



маларнинг янгилаш йўналишини очиб берди. Айнан шу автомобиль қайсидир маънода мутахассислар ва нанотехнологиялар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқалигина хабар топаётган одамларни бирлаштирди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда кўплаб олимлар нанотехнологиялар ва геомухандислик ёрдамида атроф-муҳитга зарар етказётган салбий таъсирларни бартараф этиш йўлида ҳам изланишлар олиб боришяпти. Тан олиш керак, тадқиқотлар чуқур такомил ва тараққиётга муҳтож. Шунинг учун ҳам бу борадаги таклифлар ҳали узоқ таҳлил этилади, муҳокама марказида бўлади. Эътирофга лойиқ томони шундаки, уларнинг орасида заҳарли карбонат ангидрид газларини ютиб юборишга қодир бакте-



рияларни етказиб берувчи озуқавий модда яратиш, глобал иссиқ жараёни секинлаштиришга хизмат қиладиган наноқисмларни атмосферага чиқариш каби янгиликлар ҳам бор.



4-расм: тасвирларда музқаймоқ тарқатаётган Зои ва Кэтриннинг лойиҳаси ҳам ана шундай бегубор кашфиётлар қаторидан жой олса ажаб эмас (манбалар: ha++/flickr.com ва Cloud Project).

Сабаби шу орқали миллиардлар учун тўйимли озуқа тайёрлашнинг муқобил манбаларига замин яратилиши мумкин. Пападополу ва Крамернинг ўзлари ҳам ген муҳандислиги ёрдамида музқаймоқли булут «ясаш» имкони мавжудлигига ишонилмоқда. Бунинг учун ёгингарчилик оқимларини пайдо бўлишида муҳим ўрин тутувчи Pseudomonas syringae бактерияларидан унумли фойдаланиш имкони бор. Мазкур майда организмлар мембранасининг юзасида сувни кристалловчи оксиллар учрайди. Шу билан бирга синтез жараёнига жавобгар генни ажратиш, ундан озик-овқат саноатида жуда кенг қўлланиладиган Saccharomyces Cerevisiae замбуруғи ҳосил қилинади. Уни пиво ачитқиси ҳам дейишади.


Илмий тасавурларга кўра, яқин келажакда кристаллаш ядроси таркибида ҳавога сутли протеинлар ва ароматизатор ҳам пуркалади. Биргина мисол. Кулупнай таъмини ҳосил қилиш учун 360та бирикма керак бўлар экан. Кашфиётчилар эса музқаймоқда шунга яқин мазани бериш мақсадида фуранеол, этил-бутаноат каби энг асосий олти таркибий қисмдан фойдаланиш-

Bilasizmi?



нинг ўзи кифоя, дейишмоқда. Бу йўлда одатдагидек нанотехнология кўл келади. Булутлар бағрига шу каби микроорганизмларни жойлаштиришнинг ўзи бўлмайди, албатта.

5-расм: ушбу усулнинг қоғозда акс этган тасвирларига назар ташлаймиз. Чапта: кулупнай таъмини берувчи хушбўй бирикмалар йиғиндиси. Ўнгда: кристаллаш жараёни босқичлари. 1 — Pseudomonas syringae бактерияси ёгингарчилик қақирувчи "ядро" вазифасини бажаради. 2 — музнинг кристаллашуви ва уни ачитқига айлантирувчи ген. 3 — сут оксиллари ва ароматизаторлар билан бойитиладиган организмлар. 4 — қарабсизки, музқаймоқли қор тайёр (назарияда) (манба: Cloud Project).



Айтганча, бактериялардан кристаллашув асоси сифатида фойдаланиш юқори ҳароратда ҳам сувдан қор олиш имконини беради, аммо ҳозиргача бундай биотехнология ҳам яратилмаган.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, Зои ва Кэтрин таҳсил олган коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари замонавий технологиялар ҳаётимизнинг ижтимоий, маданий ва этик соҳаларига қандай таъсир кўрсатаётганини чуқур ўргатадилар-ўрганадилар, ўз таклиф ва ишланмаларини муҳокама майдонида ҳавола этадилар. Демак, юқоридаги ғоя муаллифлари айнан шу таълим муассасида таҳсил олганлар орасидан чиққани ажабланарли эмас.

6-расм: умуман олганда, музқаймоқ булут хусусидаги лойиҳа айтилган пайтда реал ҳаётдан анча узоқ бўлса-да, қизиқарли ғоя ва унинг ажойиб дизайни одамларни нанотехнологиялар, ген муҳандислиги, озик-овқат саноатидаги инновациялар билан яқиндан танишиш имконини беради. (манбалар: ha++/flickr.com ва Cloud Project).

Мухтасар қилиб айтганда, Зои ва Кэтриннинг фурғони оммани фан-техниканинг ютуқлари билан ўртоқлашишга ёрдам берадиган воситалардан бирига айланди.

— Масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Яъни, табиатда аниқ асосга эга бўлмай туриб, тажриба ўтказиш ҳар доим ҳам бахайр тугамаган. Шунинг учун бу каби янгиликни амалиётга татиб қилиш жараёни босқичма-бос-



қич, синчков текширувлар асосида давом эттирилиши тарафдориман, — дейди Мейнард. — Боиси мустақам пойдевор ва ишонарли асоссиз амалга оширилган иш доим пуч бўлади ҳамда унинг оқибатларини кейин бартараф этиш ҳам анча қийинлашади.


Нима бўлганда ҳам, музқаймоқ булут билан боғлиқ хабарлар қисқа вақт ичида бутун дунёда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Биз эса болалар учун ширинликлар дунёси билан боғлиқ ҳаваслар шундайлигича, табиий ва соф қолгани маъқул деймиз. Зеро, кулупнай ёмғири, музқаймоқ булут фақатгина хаёлларда мавжуд бўлгани учун ҳам қадри, қимматли ва мафтункордир.

Н. ҚОСИМОВ
тайёрлади.

«АГАТА» УЛКАН ЗАРАР ЕТКАЗДИ

Марказий Америка мамлакатларида содир бўлган кучли тропик пўртана 142 нафар инсон ҳаётига зомин бўлди. Бундан аввал эса қурбонлар сони 115та экани таъкидланганди, деб хабар берди АП.

«Агата» номини олган ушбу табиий офатдан энг кўп зарар кўрган давлат Гватемала ҳисобланмоқда. Бу мамлакатда кучли шамол туфайли ҳаётдан кўз юмганлар 118 нафарга етди, 53 нафар киши эса бедарак йўқолган. Юз берган пўртана 110 минг аҳолини бошланасиз қолдирди. Шунингдек, кўшни Гондурас ва Сальвадор давлатларида ҳам ўн минглаб одамлар ўз уйлари тарк этишга мажбур бўлган.




Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, «Агата» тропик пўртанаси Тинч океанида Гватемала соҳилларида вужудга келган. Аввалига шамолнинг тезлиги соатига 65—80 километргача етди. Бир неча кун олдин эса Мексика жануби-шарқида кучли ёмғирлар билан бирга кузатилган табиий ҳодисанинг тезлиги соатига 130 километрга тенг, деб қайд этилди.

МУСТАҲҚАМЛИГИ ГУРУЧ ТУФАЙЛИ

Хитойлик кимёгарлар Буюк Хитой деворини қуриш давомида қоятош гиштлари орасига гуручли бўтқадан қурилиш материали сифатида фойдаланилганини аниқлашди. Айтиш керакки, ўтмишда бундай усул билан девор қуриш ўзига хос илгор ишланма бўлган, деб ёзади «Дэйли Телеграф» нашри.

Чжэцзян провинцияси университети профессори Лао Лининг айтишича, Мин сулоласи даврида деворни қуриш учун қайнатилган гуруч ва оҳак аралашмаси қўлланилган. Эътиборлиси, бир ярим минг йил олдинги даврданоқ хитойлик қурувчиларга маълум бўлган гуручли аралашма органик ва ноорганик моддаларни бирлаштиришнинг дастлабки тажрибалари маҳсулидир.

Қизиғи шундаки, ушбу турдаги қоришма тушган жойларда ҳозирда ҳам ўсимлик кўкармайди. Яна бир қизиқарли жиҳати — бунёдкорлик ишларида қўлланилган гуруч бир пайтнинг ўзида озиқ-овқат маҳсулоти сифатида ҳам ишлатилган. Қолаверса, мутахассиснинг маълум қилишича, гуручли аралашмадан нафақат девор қуриш, балки Мин сулоласи даврида сағана ва ибодатхона мажмуаларини барпо этишда ҳам фойдаланилган.



САРАТОННИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВОСИТАСИ

«Таймс» газетасида океанорти тадқиқотчилари томонидан кўкрак беши саратон касаллигига қарши ишлаб чиқилган вакцинанинг самараси яққол кузатилгани хусусидаги мақола чоп этилди. Унда келтирилишича, вакцина кемирувчиларда синаб кўрилган. Мазкур йўналишда кўнгилилар иштирокидаги илмий тажрибалар эса яқин 2 йил ичида ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, одатда саратонга қарши воситани ишлаб чиқишнинг мураккаб томони шундаки, зарарланган ҳужайралар организм учун ёт ҳисобланмайди ва иммунитет тизими унга қарши фаол кураша олмайди. Мазкур ҳолатни тўғри баҳолаётган Иель ва Кливленд университети ҳамда Лернер институти тадқиқот маркази олимлари янги йўналишда изланиш олиб борди. Жараёнда улар учун кўкрак беши саратонига чалинган ҳужайралар ишлаб чиқарадиган α-лактальбумин оксидан антиген сифатида фойдаланилган.


Тажриба пайтида бир қанча кемирувчиларда ген муҳандислиги усуллари билан касаллик ривожлантирилган, сўнгра уларнинг бир гуруҳи янги турдаги вакцина билан эмланган, қолганларига эса ҳеч қандай инъекция қилинмаган. 10 ойлик кузатувлар вакцинани қабул қилмаган сичқонларда кўкрак беши саратони аниқланганини кўрсатди. Эмланганларда эса ҳеч қандай ўсма топилмаган.

— Янги дори-дармон воситаси билан ҳозирча 40 ёшдан ошган аёлларни эмлаш кўзда тутиляпти, — дейди тадқиқот раҳбари Винсент Туохи. — Сабаби одатда бу ёшда аёлларнинг фарзандни кўкрак суги билан боқиши кам кузатилади ва саратоннинг ривожланиш хавфи аксинча ошади. Шунинг учун ҳам айнан шу даврдан бошлаб касалликнинг олдини олиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

АХБОРОТНИ КИМ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ?


Цинциннат университетининг тиббиёт маркази олимлари ноодатий тадқиқот ўтказишди. Бунда иштирокчиларнинг бир гуруҳи (103 нафари) 5—17, қолганлари (52 киши) эса 18—67 ёш оралиғида бўлганларни ташкил этди.

Илмий тажриба пайтида уларга турли мавзудаги расмлар кўрсатилиб, жумлалар тузиш таклиф этилган. Айни пайтда бош мия магнит-резонансли томография қилинди. Тадқиқот муаллифларидан бири Жерзи Сафларскининг таъкидлашича, текширувдан олинган натижалар мутахассисларни чинакамига ҳайрон қолдирди. Боиси, жумлалар тузиш жараёнида 25 ёшгача бўлган қатнашчилар миясининг фақат маълум қисмига фаол бўлган. Аксинча, бундай ёшдан катталарда бош миянинг ҳар иккала қисми ҳам фаоллашгани томография жараёнида аниқ кўринди. Шунинг учун ҳам ёшлиқда ўқилган китоб улғайгач, қайта муролаа қилинса, унинг мазмун-моҳиятига ёндашиш янада такомиллашиши ёки бутунлай бошқа хулоса чиқаришга асос бўлади, дейилади sciencedaily.com сайтида.



BEDOR DUNYO

Xabarlar, voqealar, sharhlar



ТИШЛАР ТОЗАЛИГИ — ЮРАК БАҚУВВАТЛИГИ

Кунига тишларини икки марта тозалашни унутиб қўядиганлар бошқаларга нисбатан юрак касалликларига кўпроқ чалиниши мумкин экан. Лондон (Буюк Британия) университети тадқиқотчилари 8 йил давомида олиб борган изланишлар якунида шундай хулосани тақдим этишган. Тажрибага ўртача 50 ёшдаги 12 мингга яқин кўнгилилар жалб қилинган. Мутахассисларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «Бритиш Мэдиқал Жоурнал» нашрида берилди.

Олдинга организмда, жумладан, оғиз бўшлиғи ва милкларда кузатиладиган шамоллаш натижасида қон қуйилиб, артерия томирларида тикинлар бўлиши мумкин. Ўз навбатида, бунинг оқибатида юрак касалликлари кузатилади. Аммо фақат охириги изланишлар давомида оғиз бўшлиғи гигиенаси ва юрак хасталиклари ўртасида алоқа борлиги ўз тасдиғини топди.



Тадқиқот пайтида иштирокчилар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотлар ҳам тўпланган. Жумладан, уларнинг чекиш-чекмаслиги, жисмоний фаоллиги, стоматолог кузатувида туриши, оила аъзоларининг юрак касалликларига чалинган-чалинмагани таҳлил этилган. Шу билан бирга, ҳар бирининг қон босими ўлчанган ва қони таҳлил этилган. Сўровлардан ҳар 10 нафар кўнгилилардан 6 нафари олти ойда бир марта стоматолог текширувидан ўтиши, ҳар етти нафари эса тишларини кунига икки марта тозалашни маълум бўлган.


Тадқиқот даврида иштирокчиларнинг 555 нафарида юрак-қон томирлари хасталиклари аниқланди. Семириш, чекиш ва касалликнинг наслдан наслга ўтиши каби омилларни эътиборга олган ҳолда мутахассислар тишларини кунига 2 мартадан кам тозалайдиган одамларда бундай хасталикларнинг ривожланиши 70 фоизга юқори бўлади, деган тўхтамга келишган. Яна бир жиҳат — одатда жисмонан нофаол ҳаёт кечирадиган, ортиқча вазнга эга, диабет ва қон босими ошиб кетиш касаллиги аниқланган инсонлар оғиз бўшлиғи гигиенасига у қадар амал қилмаслиги ҳам тажрибада аниқланди.

«ИМКОНИЯТ» РЕКОРД ҚЎЙДИ

Марсдаги «Оппортюнити» («Имконият») номли самовий аппарат сайёрада фаолият юритиш муддати бўйича ўзига хос рекорд қўйди. Бугунга келиб у «Қизил сайёра»да 6 йилу 122 кун бўлиб, бунгача энг кўп ишлаган «Викинг-1»ни ҳам ортда қолдирди. «Юниверс Тудэй» портали бу ҳақида маълум қилди.

«Оппортюнити» 2004 йилнинг 25 январида Марс юзасига қўнган. Ундан уч ҳафта кейин эса яна бир самовий зонд «Спирит» ҳам сайёрада ўз фаолиятини бошлаган. Қурилмалар Қуёш батареялари ёрдамида ҳаракатлангани боис, сайёрада қиш фасли ҳукмрон бўлганида изланишлар тўхтайдди. Икки аппарат ҳам бир неча камера, сайёра тупроғи ва атмосферасининг ташкилий қисмларини таҳлил этиш ускуналари билан жиҳозланган.

Аввалига уларнинг Марсда бўлиш муддати 90 кунни ташкил этиши режалаштирилганди. Лекин «Оппортюнити» ҳали-ҳамон фаолият кўрсатиб келмоқда, «Спирит» эса шу йилнинг 22 мартдан Ердаги назорат маркази томонидан нофаол тизимга ўтказиб қўйилди. Гап шундаки, ўтган йили мазкур аппарат тупроққа ботиб қолиб, мутахассисларнинг уни чиқариб олиш саъй-ҳаракатлари бесамавр кечганди. Айни кунда «Спирит» тадқиқот ўтказаятган ҳудудда куз фасли кузатиляпти, шунинг учун олимлар уни «ухлатиб» қўйишни маъқул кўришган. Агар у баҳор келиши билан яна ишлай бошласа, Марсда бошқаларга нисбатан энг кўп фаолият юритган аппарат сифатида кўрсатилиши мумкин.



БИР МАРТАЛИК ҚУВВАТ БИЛАН 1000 КИЛОМЕТРГА

Сўнги пайтда келажак машинаси сифатида таърифланаётган электромобилнинг қувватлаш масаласи олимлар диққат-марказида экани маълум. Шу сабаб Япония муҳандислари томонидан яна бир синов тажрибаси ўтказилди. «Корреспондент.нет» манбасида айтилишича, бу гал электромобиль бир марталик қувват олишдан сўнг узоқ масофани босиб ўтган.

«Daihatsu Miravan» автоуловининг электр токи билан юрадиган русуми Ибарак ҳудудидаги ўқув трассасида салкам 28 соат ичида 1003 километр 184 метр масофани ортда қолдирган. Бунда машина соатига 40 километр тезликда ҳаракатланиб, уни навбатма-навбат 17 нафар ҳайдовчи бошқарган. Бундан олдинги тажриба пайтида эса худди шу автоуловда Токиодан Осака шаҳрига йўл олиб, 3,5 соатда 555 километр масофа босиб ўтилганди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, тажриба экологик тоза машина имкониятларини намойиш қилиш ва улардан кенгроқ фойдаланишни жорий этиш мақсадини мужассамлаштирган. Синов ташкилотчиси Япония электромобиль клуби ҳар йили аввал эришилган кўрсаткичларни янгилаб боришни қатъий ниёт қилган.

Айни пайтгача мамлакат автоконцернлари томонидан ишлаб чиқарилаётган намунавий русумлар бир марталик қувват олишдан сўнг 160 километрдан ортиқ масофани босиб ўтиш имконини бераётган.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Хурматли Мухтасар УМАРОВА!

Сиз чорак асрдан буён ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келмоқдасиз. Сиздек фидойи устоз, ўз фанининг билимдони билан доим фахрланамиз. Қутлуғ 50 ёшингиз муборак бўлсин. Фарзандларингиз ва набираларингиз, шогирдларингиз хурматида бўлиш, умр йўлдошингиз билан қўша қариб юриш бахти Сизга насиб этсин. Умрингизнинг ҳар бир куни қувончу шодликларга тўлиқ бўлишини истаймиз.

Юнусобод туманидаги 274-мактаб жамоаси



Одатда тинч ва фаровон юрда яхши кунлар, шодиёнаю байрамлар, қувонч садоларига бурканган тантаналар кўп бўлади. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ана шундай маскандир. Соқоллари кўксини ўпган боболарнинг дуолари, хуш ниятларидаги энг тотли калом: «Шу юртнинг камолига кўз тегмасин, фарзандларимизга кўз тегмасин», деган истак бўлади. Навқирон авлод вакилларининг чинакам спорт, ёшлик ва гўзаллик байрамига айланиб кетган «Универсиада-2010» мусобақалари ҳам кўз очиб юмгунча ортада қолди. Сўлим водийни бир муддат ширин ташвишларга ўраган тадбирнинг голиб ва совриндорлари аниқланди.

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари аввалгиларидан ҳам том маънода қизгин курашлар, мурасасиз муҳорабаларга бой бўлгани билан ажралиб турди.

КўЛ ТЎПИ

Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи менежида ўтказилган кўл тўпи учрашувларида эркалар ўртасида пойтахтликлар пешқадамликни ҳеч кимга беришмади. Мусобақани кўтаринки руҳда бошлаб, рақибларини бирин-кетин мағлуб этган самарқандлик ёшлар аввалига Андижон жамоасини 33:36 ҳисобида, кейин қорақалпоғистонлик тенгдошларини 31:54 ҳисобида доғда қолдиришганди. Улар финалда



қашқадарёлик спортчи-талабаларни 25:43 ҳисобида мағлуб этган тошкентлик тенгдошлари билан куч синашди ва 34:31 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди. Шу тариқа уларга қумуш медаль насиб этди, олтин медаль эса пойтахтлик ёшларга топширилди.


Қизлар ўртасида ўтказилган кўл тўпи баҳсларида мезбонлар жуда фаол иштирок этишди. Уларни мағлубиятга учратадиган жамоа топилмади. Ҳал қилувчи паллада тажриба ҳамда маҳорат бобида устунроқ дея эътироф этилаётган Тошкент жамоасини 23:19 ҳисобида енгган андижонлик қизлар шохсупага ҳақли равишда кўтарилди. Энг қизиги, тошкентликлар Сурхондарёдан келган гандболчи қизларни 60:5 ҳисобида енгди, барчани чемпионликка асосий даъвогар эканига ишонтиргандек бўлганди.

СУЗИШ

«Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг энг мураккаб ҳамда олтин, қумуш ва бронза медалларига бой спорт тури сузиш бўлса керак. Уларнинг ҳар бирида голиб ва совриндорларни аниқлаш ҳакамлардан ҳам зийраклик ва масъулиятлиликни талаб этади.

Баҳсларда умумжамоавий ҳисобда Тошкент шаҳри сузувчилари биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўринга қутилмаганда кўлаб мусобақаларда қатнашиб, катта тажриба тўплаган Навоий жамоасини ортада қолдиришга муваффақ бўлган Андижон вилояти жамоаси сазовор бўлди. Шу тариқа бу сафар навоийлик талабалар кучли учликни яқунлаб беришди.

— Мазкур спорт ўйинларида ўзимни жудаям енгил ҳис қиляпман, — дейди Андижон вилояти шарафини ҳимоя қилган Бек-



зод Жўрабеков. — Шундай бўлса-да, мезбонлик масъулияти бурчимни икки карра оширяпти.

У 100 метрлик масофага брасс усулида сузиш бўйича бронза медали соҳибига айланди ва умумжамоа газнасига қимматли очкони келтирди.

ФУТБОЛ

Финалга қадар етиб келган Қорақалпоғистон Республикаси талаба-ёшлари жамоаси ҳал қилувчи босқичда пойтахтлик спортчиларга рўбарў келди. Тан олиш керакки, тошкентликлар жамоаси таркиби шу қадар кучли эдики, уларга қарши тўп суришнинг ўзиёқ исталган рақибга муаммо туғдирарди.

«Наврўз» стадионида жамулжам бўлган футбол ихлосмандлари финал учрашувининггина эмас, номдор ўйинчиларнинг ажойиб ҳаракатлари ва дриблинглари томоша қилиб, завқ олди. Қорақалпоғистонлик футболчилар бор имкониятларини ишга солиб, кучли рақибларига муносиб қаршилиқ кўрсатишга интилишди, аммо яқуний ҳисоб 3:1 кўринишини олди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда эса Наманган футболчилари Жиззах ёшларини 4:2 ҳисобида доғда қолдирди.

Финалчилар танаффусга чиққан пайтда фурсатдан унумли фойдаланиб, шундоққина ёнимда ўтирган болакай билан суҳбатлашдим. Исмини Ахрор (Шералиев) деб таништирган суҳбатдошим 1997 йили тавуллуд топган ва ҳозирда Андижон футбол лицейининг 4-синфида таҳсил олаётган экан.



— Майдондаги ўйинчи акаларимнинг кўпчилигини газеталарда, телевизорда кўрардик. Мана, энди ўзимизнинг «Наврўз» ўйингоҳида ҳам кўриб турибмиз. Катта бўлсам, Анзур Исмоиловга ўхшаб ҳимоячи бўлмоқчиман, — деди у орзулари билан ўртоқлашиб. — Устозимнинг айтишича, агар яхши ўйнасам, яна беш-олти йилдан кейин «Умид ниҳоллари»да қатнашарканман.

«Универсиада» спорт мусобақасининг кучини шунда теранроқ ҳис қилдим. У Ахрор каби қалби тонг насимидек мусаффо юзлаб кичикинтойларнинг юрагига нур ташлайди.

СТОЛ ТЕННИСИ КИЧИК КОРТИНИНГ КАТТА ТОМОШАСИ

Андижон давлат тиллар педагогика институти қошидаги 2-сон академик лицейи спорт залида ўтказилган эркалар ва аёллар ўртасидаги стол теннис матчларида тезкорлик ва эпчиллик уйғунлашувининг нечоғли катта аҳамиятга эга эканлиги билинди.

Андижонлик таниқли ака-ука спортчилар Темур ва Альберт Шириевлар кўпчиликнинг эътиборини яна бир карра ўзига қаратган бўлса, қизлар ўртасида Тошкент вилояти шарафини ҳимоя қилган Алия Исмоиловага тенг келадигани топилмади. Айтиш жоизки, номлари санаб ўтилган спортчилар Тошкентда ўтказилган «Универсиада-2007» спорт мусобақаларида ҳам фаол иштирок этиб, голиб деган номга мушарраф бўлганди. Эндиликда улар «Универсиада»нинг икки карра голибига айланди.

Ака-ука Шириевлар финалгача «қоқилмай» етиб келишди. Бироқ финал сўнгига фақатгина битта стол теннисининг номи голиб сифатида кўрсатилиши керак. У аниқланди, бу сафар шохсупага Темур Шириев кўтарилди, Альберт эса қумуш медалли билан кифояланди. Учинчи ўринни Наманган вилояти шарафини ҳимоя қилган Зоқир Олимов эгаллади.

— Финалда бухоролик ноқулай рақиб-

ХУШ ҚОЛ АНДИЖОН,



ларимдан бири Нафиса Каримова билан ўйнадим, — дейди А.Исмоилова. — Тезкорлик билан ташаббусни ўз томонимга оғдирмасам, вазият анча мураккаблашини инobatга олиб, бор кучимни голиб чиқишга сарфладим ва ниятимга етдим. Андижондан бир олам таассурот билан қайтгандим.


Қизлар ўртасида кечган стол теннис матчларининг бронза медали Индира Кадирова (Тошкент ш.)га топширилди. Жуфтлик баҳсларида Т.Шириев ҳамда Н.Каримова тандеми юқори натижани (олтин медаль) қайд этди. А.Шириев ва А.Исмоилова жуфтлиги мағлуб этилди. Умумжамоа ҳисобида Андижон биринчи, Тошкент вилояти иккинчи ва Тошкент шаҳри ҳамда Наманган вилояти учинчи ўринга лойиқ топилди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Дунёда шундай спорт турлари борки, уларда жисмоний машғулотларнинг жуда кўплаб унсурлари уйғунлашган бўлади. «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг асосан югуриш борасидаги тезлик ва чаққонликни синовдан ўтказувчи енгил атлетика баҳсларида янги номлар кашф этилди. Уларнинг орасида Раҳимжон Рўзиев (Қашқадарё), Ҳасан Эргашев (Фарғона), Дадаҳон Эшпўлатов (Навоий) сингари спортчиларнинг мавжудлиги қувончмизни оширади.

— Андижон шахрига келишни дилимга тугиб қўйгандим. Мана, «Универсиада» мусобақалари сабаб ниятимга ҳам етдим, — дейди 4x100 метрга эстафета югуриш бўйича бронза медали соҳибига, Навоий педагогика институти талабаси Умида Тўйбоева. — Насиб қилса, келаси «Универсиада»да ҳам иштирок этиб, чемпионлик орзуимга ҳам эришаман.

«Соғлом авлод» ўйингоҳида ўтказилган мусобақаларда ким тез ва чаққонроқ бўлса, шунга голиблик насиб қилди.



Шундай қилиб, «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг енгил атлетика турида умумжамоа ҳисобида ҳам Тошкент шаҳри вакиллари пешқадамликка эришди. Андижон вилояти спортчилари тўплаган медаллар мезбонларга иккинчи ўринни тақдим этди. Учинчи ўринга Хоразм вилояти енгил атлетлари кўтарилди.

ШАХМАТ

Бу спорт турини кўпчилик «ақл чархи»га қиёслайди. Хотира ва манتيкий фикрлашнинг самараси айнан шахматда яққол намойён бўлади. Бунинг учун эса инсондан мунтазам равишда жисмоний машғулотлар билан шуғулланиб туриш талаб этилишини таъкидлаб ўтиш шарт эмас.

— «Универсиада» спорт мусобақалари тизимига киритилган шахмат ўйинлари бу сафар одатдагидан биров ўзгачароқ усулда ўтказилди, — дейди шахмат баҳслари ҳаками Рустам Ҳамроев. — Илгари мусобақаларда шахматчилар асосан классик

усулда дона суришган бўлса, бу сафар швейцарча тезкор усулда шахмат ўйнашди.

Шахмат бўйича эркалар ўртасида ўтказилган учрашувларда таниқли спортчи Антон Филиппов (Тошкент ш.) биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль соҳибига айланди. Бу борада кучли учликка андижонлик ёш истеъодли шахматчи Фаррух Каримов (қумуш) ҳамда қашқадарёлик Акмал Файзуллаев (бронза) киришга муваффақ бўлди.

Қизлар ўртасида кечган шахмат партиялари кучли билим инъикоси бўлди. Жиззахлик номдор шахматчи бир неча халқаро турнирлар голиб ва совриндори Юлдуз Ҳамроқулова барча рақибларини ортада қолдириб, «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг олтин медалига сазовор бўлди. Иқтидорли шахматчи қизларимиздан яна бири тошкентлик Нодира Нодиржонова эса қумуш медаль, қашқадарёлик Умида Чоршанбиева эса бронза медалли билан кифояланди.



— Аввалги «Универсиада-2007» спорт мусобақаларида қатнашиб, учинчи ўринни олгандим. Мана, Андижонда олтин медалга эришдим. Жудаям ҳаяжонданман, — дейди Юлдуз Ҳамроқулова. — Буюк бобомиз Бобуршоҳ юртидан олган таассуротларим бир олам. Бу ерда юз бераётган жадал ислохотлар ва ижобий ўзгаришларни кўриб қувондим ҳам ҳавасим келди.

БАСКЕТБОЛ ҲАР БИР СОНИЯ МУҲИМ

Андижон давлат университети спорт залида баскетболчи йигитлар ҳамда ушбу олий таълим муассасаси қошидаги академик лицей спорт залида баскетболчи қизлар беллашувлари ташкил этилди. Ҳар иккала спорт залида спортчилар учун барча шароитлар яратилган.

— Спортчи-ёшларнинг соғлигини назорат қилиш бизнинг зиммамизда эканлигидан фахрланамиз, — дейди Андижон шаҳридаги 2-поликлиника бош шифокори Азизхон Эшонхўжаева. — Зеро, ҳар бир тиббиёт ходимига ўсиб келадиган баркамол авлоднинг тани-сиҳатлиги, камолоти юксак масъулият юклайди. Тиббий масканимиз биринчи ёрдан учун зарур дори-дармон, махсус жиҳозлар билан таъминланган.

Мусобақаларнинг иккинчи кунинда навоийлик ёшларнинг бухоролик тенгдошлари билан ярим финал баҳсларида куч синашадиганлиги гувоҳи бўлди. Хайрихоҳларнинг «Йигитлар, ҳар бир сония муҳим!» каби овози янгарди. Дарҳақиқат, таблодаги рақамлар ҳам дақиқалар, сониялар ўтган сайин ўзгариб бормоқда эди.

Охириги дақиқаларда 79:80 ҳисобида мағлуб бўлаётган навоийлик баскетболчилардан бири узоқ масофадан саватчага тўпни тўғри ташлаб, жамоасига 3 очко олиб берди. Натижа 82:80. Навоийлик ёшлар финалда!

Финал баҳслари ҳам мурасасиз кечди. Тошкент шаҳри вакиллари 89:81 ҳисобида Навоий вилояти спортчиларидан устун келиб, «Универсиада-2010» спорт ўйинларининг голиби бўлди.

Баскетболчи қизлар ўртасидаги финал



САЛОМ БУХОРО!

ўйини Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти жамоалари иштирокида ўтди. Қорақалпоғистонлик қизларнинг қанчаллик тезкор ҳаракат қилишларига қарамай, навоийлик спортчилар бирдамлиги, жамоавийлиги натижасида умумий ҳисоб 94:55 кўринишини олди. Шундай қилиб, навоийлик спортчи-қизлар ўз вилояти терма жамоасига навбатдаги олтин медални тақдим этди.

ВОЛЕЙБОЛ КУЧЛИ РАҚОБАТ РУҲИДА

Мазкур спорт тури беллашувлари Андижон ахборот технологиялари касб-хунара коллежи спорт зали (йигитлар) ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти спорт залида (қизлар) ўтказилди.

Волейболчи йигитлар ўртасида Андижон ва Навоий вилояти жамоалари 1-ўрин учун куч синашди.

— Ҳар бир беллашув дўстлик, бирдамлик, аниқ мақсад сари интилиш тамойиллари асосида ўтмоқда, — дейди Андижон ахборот технологиялари коллежи жисмоний тарбия ўқитувчиси Музаффар Абдурайимов. — Коллежимизда мазкур мусобақаларнинг юксак даражада ўтказилиши борасида кўп ишлар қилинди. Ҳакамлар ҳайъатининг катта тажрибаси, касбий маҳорати жамоалар учрашувларининг одилона, ўзаро кучли рақобат руҳида ўтишини таъминламоқда.




Шу куни пойтахтлик спортчи-ёшлар қорақалпоғистонлик тенгдошларини кичик фарқ билан (26:24 очко) мағлуб этиб, учинчи ўринга сазовор бўлди. Финал баҳсларида эса андижонлик спортчилар навоийлик ёшлардан устун келди.

Натижада спортнинг волейбол тури бўйича олтин медал йигитлар ўртасида Андижон вилояти ёшларига, қизлар ўртасида эса пойтахтлик қизларга насиб этди. Кумуш медалга Навоий вилояти вакиллари (йигитлар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси спортчилари (қизлар) сазовор бўлишди.

ТЕННИС ҒАЛАБАГА БЎЛГАН ҒАЙРАТ

Виллоят марказидаги йирик спорт мажмуаларидан бири — Андижон теннис кортида спортнинг ушбу тури беллашувлари ташкил этилди.

Теннис мусобақалари бош котиби, Андижон вилоят теннис мактаби ўқитувчи-



мураббийси Алмаз Содиқовнинг таъкидлашича, йилдан-йилга спортчи-ёшларнинг кўрсаткичлари ошиб бормоқда. Мусобақа иштирокчиларининг техник тайёргарликлари такомиллашмоқда, касбий маҳорати бобида ҳам ижобий ўзгаришлар бор.

— Мусобақа иштирокчиларидан тошкентлик Р.Биктяков, Д.Саидхўжаева, андижонлик А.Исоқов, Н.Раҳмонова, қашқадарёлик А.Номозов, наманганлик В.Бондуров, М.Арифжонова, бухоролик Д.Павловский, самарқандлик Л.Азимовани «Универсиада-2010» спорт ўйинлари юлдузлари десак, янглишмаймиз, — дейди Алмаз Содиқов. — Яқка тартибда ҳам, жуфтлик

беллашувларида ҳам ана шу ёшлар кучли ўйин кўрсатди.

Халқ орасида «катта теннис» номини олган мазкур спорт тури бўйича биринчилик Тошкент шаҳри вакилларига — йигитлар ўртасида Р.Биктяков ҳамда қизлар орасида Д.Саидхўжаевага насиб этди. Фахрлик иккинчи ўрин ва «Универсиада-2010» спорт ўйинлари кумуш медалига А.Номозов (Қашқадарё вилояти) ва Н.Раҳмонова (Андижон вилояти) сазовор бўлди. Жуфтлик учрашувларида эса пойтахтлик теннисчи-ёшлар фахрли биринчи, андижонлик спортчилар иккинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа якунида иқтидорли спортчилар «Энг яхши техник усул учун», «Теннис маликаси», «Ғалабага бўлган ғайрати учун» номинациялари бўйича ҳам тақдирланди.

КУРАШ: ЙИКИЛГАН КУРАШГА ТЎЙМАС

Кураш беллашувлари Андижон қишлоқ хўжалиги институти спорт мажмуасида ўтказилди. Талаба-спортчилар 66, 81, 90 ва 90+ килограмм вазн тоифалари бўйича беллашдилар.

Қизгин ва мурасасиз ўтган баҳсларда энг кучли, маҳоратли полвонлар сараланди. 66 килограмм вазнли курашчилар беллашувида Тошкент шаҳри вакили таниқли спортчи Ришод Собировга тенг келадиган топилмади. Қашқадарё вилояти курашчиси Улуғбек Норқобилов иккинчи, андижонлик Шароф Лутфуллаев ва сурхондарёлик талаба-спортчи Жаҳонгир Бобохонов учинчи ўринни банд этди.

81 килограммли полвонлар кураши ҳам жуда мурасасиз бўлди. Хоразм вилояти вакили, Урганч давлат университети талабаси Исқандар Нурматов ушбу вазн тоифасида мутлақ ғолибликка эришди. Тошкент вилояти вакили Бехзод Бойкелдиев 2-ўринни забт этган бўлса, пойтахтлик Зафар Бўриев ва самарқандлик Сардор Шовруқов учинчи ўринни бўлишиб олди.

Полвонлар беллашувларида 90 килограммли спортчилар кураши алоҳида эътиборда бўлди. Тошкент шаҳридан келган талаба-курашчи Шерали Жўраев ушбу вазн бўйича тенгсиз эканини кўрсатган бўлса, андижонлик Сухроб Остонаев иккинчи, Қашқадарё вилояти вакили Сухроб Қурбонов ва сурхондарёлик курашчи Бехзод Қурбонов учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Кураш мусобақасида 90 килограмдан



юқори вазнлилар беллашувлари ҳам шиддаткор руҳда ўтди. Самарқанд архитектура ва қурилиш институти 4-босқич талабаси Ўткир Қурбонов бу баҳсларда энг маҳоратли ва тенгсиз эканини исботлаган бўлса, Тошкент шаҳри вакили Дилшод Чориев иккинчи ўринни эгаллади. Андижонлик талаба Достон Арзиев ва Тошкент вилоятидан келган Бахтиёр Менлиев учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Кураш бўйича беллашувларда умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри биринчи, Андижон вилояти иккинчи ва Самарқанд вилояти учинчи ўринни эгаллади.

БЕЛБОҒЛИ КУРАШ КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН ПОЛВОНЛАР

Белбоғли кураш билан, айниқса, водийликлар азал-азалдан севиб шуғулланади. «Универсиада» спорт мусобақалари тизимига киритилган белбоғли кураш бўйича Андижон қишлоқ хўжалиги институти спорт залида бўлиб ўтган баҳслар ҳам тўртта вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар номини аниқлади.

Унга кўра, 66 килограмм вазнда андижонлик Акбарали Ғофуров биринчи ўринни банд этди ва ҳақли равишда олтин медал соҳибига айланди.

Ғоят қизгин кечган 81 килограммли полвонлар беллашувида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Исқандар Маҳамма-

товга тенг келадигани топилмади. У барча рақибларининг курагини ерга теккизиб, шоҳсупага кўтарилди ва ўз жамоасига қимматли очкони келтирди.

90 килограмм вазнли полвонлар ўртасидаги баҳсларда андижонлик Муҳаммад Исқандаров олтин медал соҳибига айланди.

Тошкент шаҳри номидан майдонга тушган Темура Шокиржонов гиламга чиқиши билан мухлислар қийқириғи тинмади. Боиси, у рақибларини финалга қадар жуда ҳам чиройли усулда енганди-да. Ниҳоят, ҳал қилувчи паллада ҳам республикамизнинг энг кучли полвонларидан бири, ёш иқтидор эгаси Темура ташаббусни ўз томонига оғдирди ва рақибини даст кўтариб ерга урди. Шу тариқа Т.Шокиржонов ўз жамоасига навбатдаги олтин медални тўғай этди.

— Очиғи, жуда кўп ва мусобақаларда қатнашганман, аммо «Универсиада» спорт мусобақасининг ўрни бўлакча. Бунда фақатгина ғолиблик учун, олтин медал учун курашмаймиз, балки дўстлар, биродарлар орттирамиз. Кундан кун чирой очиб, гуллаб-яшнаётган Ватанимизнинг бир бўлағи бўлмиш Андижондаги аҳойиб ўзгаришларни кўриб, кўзимиз қувнапти, — дейди мамнуният ила Темура Шокиржонов.

ДЗЮ-ДО ҲАЯЖОН МАЙДОНДА УНУТИЛСА...

Юртимизда оммалашиб улгурган дзюдо бўйича баҳслар Андижон қишлоқ хўжалиги институти спорт залида ўтказилди. Унда ҳам полвонлар асосан 4та вазн тоифасида куч синашди. 66 килограммда Ришод Собиров иккинчи олтин медални ҳам қўлга киритди.

81 килограмм вазн тоифасида тошкентлик Шокир Мўминов барча рақибларини доғда қолдириб, ғолиблик завқини сурган бўлса, 90 килограмм вазнли дзюдочилар

«УНИВЕРСИАДА-2010»: РЕКОРД САРИ ҚАДАМ

Андижонда ўтказилган «Универсиада» спорт ўйинлари натижаларини таҳлил қила туриб, айрим юксак ва ҳайратланарли кўрсаткичларга ҳам дуч келдик. Ҳар қандай турнирда сузиш ва энгил атлетика баҳсларида, одатда, рекорд натижалар кўпроқ қайд этилади. Андижонда бўлиб ўтган «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг ўзига хос томонлари жуда кўп бўлди.


Биз эътиборингизни, бу йилги «Универсиада»нинг алоҳида кўрсаткичларига қаратмоқчимиз. Зеро, кучлиларнинг кучлилари беллашаётган мусобақада қутилмаган натижаларга эришиш осон эмас!

• Сузиш бўйича кечган мусобақаларда навоийлик Данил Тулупов 100 метрга эркин усулда сузишда «Универсиада» рекордини янгилади. У мазкур масофани 51,91 сонияда босиб ўтиб, барчани лол қолдирди ва давомли олқишларга сазовор бўлди. Бундай аҳойиб натижа Марказий Осиё бўйича ҳам алоҳида қийматга эгадир.

• Айниқса, энгил атлетика бўйича юксак натижалар кўп ва қизилди. 100 метрга тўсиқлар оша югуриш борасида тошкентлик Наталья Асапова спорт усталигига номзод энгил атлетикачилар топшириши талаб этиладиган меъёрдан ҳам юқори кўрсаткичга эришди. У масофани 13,81 сонияда ортда қолдирди.

• Андижон вилояти шарафини ҳимоя қилган Ирина Мороз эса 800 метрга югуриш бобида мураббий-

«Универсиада-2010»



баҳсида тошкентликлар жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Дилшод Чориевнинг кўли баланд келди ва олтин медал совриндори бўлди.

90+ килограммли паҳлавонлар баҳси чиндан ҳам ҳаяжон остида ўтди. Унда спортчиларнинг ҳаракатлини ҳам бироз оғирроқ, бироз қийинроқ кечаётгандек туюлсада аслида томошабинларни заррача ҳам зериктириб қўймади. Бу борада самарқандлик тажрибали спортчи Ўткир Қурбонов шоҳсупага кўтарилди.

— Курашчиларнинг маҳорати ва тажрибаси ҳам ниҳоятда катта. Шундай даврда ғолиб чиқиш ҳар бир курашчи учун катта бахтдир. Унда зафар кучиш учун майдонда ҳаяжонни унутиш лозим, — дейди Тошкент вилояти жамоаси шарафини ҳимоя қилиб, 81 килограмм вазнда кумуш медали соҳиби бўлган Шўҳрат Ражапов.

• Фарғоналик Екатерина Тонгусова 1500 метрга югуриш бўйича шахсий рекордини янгилади. Бу «Универсиада» спорт мусобақалари тарихига ҳам ўзига хос юксак натижа сифатида ёзиб қўйилди. 1,5 километрлик масофани у 4 дақиқа 18,63 сонияда забт этди.


• Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Андрей Разниченко уч ҳатлаб сакраш баҳсларида энг юқори натижани қайд этди — 15,80 метр.

• Яна бир кучли энгил атлетикачилардан бири Василий Сманолис узунликка сакраш бобида А.Разниченко ортада қолдирди. Василий 7,43 метр узунликини ишғол қилиб, «Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг олтин медалини қўлга киритди.

ХУШ ҚОЛ АНДИЖОН, САЛОМ БУХОРО!

«Универсиада-2010» спорт мусобақалари ҳам мозий сардафтарига битилди. Республикаимиз олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган спортчи-талабаларнинг тажрибали мураббийлар кўмагидаги қарийб уч йиллик тайёргарликлари, саъй-ҳаракатлари маҳсули Андижон майдонларида бўй кўрсатди.


«Универсиада-2010» спорт мусобақаларининг очилиш маросимида қузатганимиз: талабалар бироз ўйчан эди, кўзларида ҳайрат куртаклари бўртиб турарди. Ёпилиш тадбири эса талаба-ёшларнинг шодон ўйин-кулгилари остида ўтди. Боиси, натижалар маълум: БИРДАМЛИК, ДЎСТЛИК, ЁШЛИК ВА ҒЎЗАЛЛИК ҒОЛИБ. Фақатгина хуш кайфиятда Андижон шаҳри билан хайрлашиш қолганди, холос.



Суҳандон тадбир якунида умумжамоа бўйича аънавий тарзда ғолиб вилоятлар номини маълум қилди. Унга кўра, Тошкент шаҳри спортчилари 1-ўринни қўлга киритишди. Уларга Президентимизнинг «Универсиада-2010» спорт ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ҳамда «Дамас» автомашинаси берилди. Андижон ва Навоий вилояти спортчилари умумҳисобда 2- ва 3-ўринларни эгаллади ва уларга ҳам Президентимиз соғваси — «Дамас» автомашиналари топширилди.

Андижон шаҳри мезбонлик қилган «Универсиада-2010» спорт мусобақалари машъаласи сўндирилиши олтидан навбатдаги мезбон номи эълон қилинди. У кўҳна ва навқирон Бухоро бўлди. Демак, яна бир доvon ортада қолди. Энди 2013 йилги VI «Универсиада» спорт ўйинларининг бўлғуси иштирокчилари билан Бухорода кўришамиз.

**Нурлан Усмонов,
Зоҳиджон Холов,
Орифжон Сиддиқов,
«Ma'rifat» мухбирлари
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ ва Муҳаммад
АМИН (ЎЗА) олган суратлар.**



BOLALIK — EZGULIK OSTONASI

Inson qachon bola bo'lib qolgisi keladi? Bu savolga har kim har xil javob berishi tabiiy. «Jajji o'g'lim bilan o'ynagan kezlarim, o'zim o'qigan maktabning yonidan o'tganimda, onajonimni sog'inganimda bolaligimga qaytgim keladi», deydi hamkasblarimdan biri. Chindan ham, kattalar bo'lsa-da, bola **Tuyg'u** orasida bir lahzaga bo'lib qolishni orzu qilmaydigan topilmasa kerak. Qiziq, bolalar tezroq katta bo'lishni istaydi-yu, kattalar bola bo'lib qolsaydim, degan orzu bilan yashaydi.

«Dunyoning bir kunini bolalarga beraylik. Zero, ular bir kungina bo'lsa-da dunyoni ezguliklarga burkaydi». Bu fikrning nechog'li haqiqat ekanini bolalarning sho'x qiyqirig'ini bir bor eshitgan odam yaxshi anglaydi.

Xalqimiz juda bolajon. U o'z farzandi timsolida yorqin kelajakni ko'radi. Shu sabab bolani «o'nta bo'lsa, o'rni boshqa» deya o'zgacha mehr bilan suyadi. Aslida ham, bolalar oilani mustahkamlovchi, ota-onaning bir-biriga bo'lgan mehr-muhabbatini bog'lovchi, avlodlar bardavomligini ta'minlovchi kuch. Shunday bo'lgach, ularni sevmay, ardoqlamay bo'ladimi?

O'zbek ayoli farzandini jon qadar suyib, tarbiyalamoqda. Bu — yurtdoshlarimizning ertangi kunga bo'lgan ishonch va umidlari naqadar mustahkam ekanligidan darak beradi. Zero, mamlakatda bolalarning shodon kulgilari yangrab turarkan, bu yurtning buguni ham, ertasi ham, albatta, nurafshon bo'lgusidir.

N.BOYMURODOVA
O'za olgan suratlar.



Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-522.
Tiraj 40189.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi:
Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Gulnora SAFAROVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
ЎЗА кымы — 21.00